

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университети

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 811.111

Атабаева Нилуфар Атамуратовна

**ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИК ВА МАҚОЛЛАРДА
ГЕНДЕР ТАЛҚИНИ
(ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ МАТЕРИАЛЛАР
АСОСИДА)**

Мутахассислик: 5А 220102 – Лингвистика (инглиз тили)

магистри академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Иш кўрилди ва ҳимоя
қилишга рухсат берилди.
«Инглиз тили» кафедраси
мудир: _____
катта ўқитувчи Г. Рахимова.
«__» _____ 2013 йил.**

**Илмий раҳбар:
Проф. Ў. Қ. Юсупов**

Урганч – 2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
БИРИНЧИ БОБ	12
ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТИЛШУНОСЛИГИДА ГЕНДЕР НАЗАРИЯСИНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ	
1.1. “Гендер” тушунчаси ва гендер тилшунослигининг асосий масалалари	12
1.2. Инглиз тилида гендернинг лексик ифодаси.....	22
1.3. Ўзбек тилида “АЁЛ” ва “ЭРКАК” тушунчаларининг гендер нуқтаи назаридан таҳлили	27
Биринчи боб бўйича хулосалар	36
ИККИНЧИ БОБ	39
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА АЁЛ ВА ЭРКАК КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ВА МАҚОЛЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ	
2.1. Гендер стереотипларининг ўзбек фразеологиясидаги тавсифи...	39
2.2. Ўзбек мақолларининг гендер таҳлили.....	44
2.3. Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологик бирликлар ва мақолларнинг концептуал гендер таҳлили	58
2.3.1. Аёл ва эркакларнинг ижтимоий ва физиологик хусусиятларини акс эттирувчи концептуал қатламлар	60
2.3.2. Аёл ва эркакларнинг психологик характерини ифодаловчи концептуал қатламлар	65
2.3.3. Аёл ва эркакларнинг физиологик хусусиятларини тасвирловчи концептуал қатлам. «Ташқи кўриниш» субконцептининг гендер таҳлили	68

2.3.4. Инглиз ва ўзбек тилларида гендер кўрсаткичли фразеологизм ва мақолларнинг фарқи ва ўхшашликлари	73
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	78
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	81
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	85

КИРИШ

Маълумки, Ўзбекистонимизнинг мустақил давлатга айланиши натижасида ватанимиз дунёга юз тутди. Хорижий мамлакатлар билан савдо, иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар йўлга қўйилди. Дипломатик алоқалар ҳам ўрнатилди. Ўзбекистон БМТ аъзолигига қабул қилинди. Азалий қадриятларимиз тикланди ва тикланмоқда, жаҳон интеграцияси жараёнларида фаол қатнашилмоқда. Бунинг натижасида юртимизда хорижий тилларга бўлган қизиқиш ва эътибор мислсиз даражада ошди.

Шу муносабат билан президентимиз И. А. Каримов қуйидагиларни таъкидлайди: “Қайд этиб ўтилсинки, мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунини ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларга ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратилди. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш, шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш янада такомиллаштирилишини тақозо этади.” (Каримов 2012, N-1875-сонли қарори).

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, бугунги кунда мамлакатимиз учун малакали кадрлар, шу жумладан малакали таржимонлар, малакали чет тили ўқитувчилари ҳаводек зарур бўлиб қолди. Шунинг учун “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида мактаб, лицей, колледж ва олий ўқув юртлари учун янги дастурлар, дарсликлар, услубий қўлланмалар яратилди ва яратилмоқда. Айрим олий ўқув юртларида таржимонлик факультетлари, тил ўрганиш марказлари

очилди ва инглиз тилини бошланғич босқичдаёқ, яъни биринчи синфдан бошлаб ўқитиш йўлга қўйилиши режалаштирилмоқда .

Чоғиштира тилшунослик чет тили ўқитишнинг лингводидактик асосини ташкил этади. Шу сабабдан юртимизда хорижий тилларни она тили билан қиёслаб ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш тилшунослик учун муҳим масалалардан биридир.

Ҳозирги замон тилшунослигида, шу жумладан чоғиштира тилшуносликда, гендерни (жинс ва у билан боғлиқ бўлган масалаларни) ўрганиш энг асосий вазифалардан бири бўлиб қолди.

Гендернинг муҳим хусусиятларидан бири шуки, у фанлараро характерга эга бўлиб, илм-фаннинг ҳар бир соҳасида тадқиқ этилмоқда. Натижада гендерология фани пайдо бўлди.

Мавзунинг долзарблиги. Мазкур ишда тадқиқот мавзусининг долзарблигини шу билан изоҳлаш мумкинки, унда аёл ва эркак концептлари тил воситаларини ифодаловчи инглиз ва ўзбек тилларининг фразеологик ва паремиологик қатламида илк бор гендер тадқиқотлари нуқтаи назаридан ўрганилмоқда.

Гендер муносабатларини ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш тилшунослик учун муҳим масалалардан биридир, чунки гендер муаммоси маънавиятни юксалтириш, ўзликни англаш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини поймол этмаслик каби масалаларни ифодалайди. Тилнинг инсон билан чамбарчас боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, инсон онги, дунёқараши, руҳий ва амалий фаолиятини ўрганишга йўналтирилган масалалар фразеологик бирликлар ва мақолларда ўз аксини топиши мумкин.

Мавзунинг долзарблиги яна шундаки, бир томондан хорижий тилларга қизиқишнинг ўсиши бўлса, иккинчи томондан тилнинг фразеологик ва паремиологик системасида (мақолларда) **аёл** ва **эркак** тушунчаларининг гендер, прагматик, когнитив хусусиятлари етарлича тадқиқ этилмаганлиги ва умумлаштирилмаганлигидадир.

Мазкур масалани ўрганиш учун турли миллий маданиятларни ифодаловчи тиллардаги воситаларни қиёслаш, миллий менталитет ва уни ифодаловчи хусусиятларни таҳлил этиш лозим. Турли тилларнинг гендер нуқтаи назаридан қиёсий-чоғиштирма таҳлили социология ва психология соҳаси мутахассислари учун ҳам муҳим назарий ва амалий ғояларни тақдим этади. Бу лингвистик гендерологиянинг социолингвистика ва психолингвистика билан узвий боғлиқлигидан дарак беради.

Тадқиқотнинг методологик асоси ва тадқиқ усуллари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг назарий асарлари, фан, таълим-тарбия ва маданият соҳасидаги стратегик йўналишларни аниқлаш, замонавий давлат таълим стандартларини тайёрлаш ва ҳар томонлама баркамол инсонни тарбиялашга қаратилган қонунлар, бошқарув ҳамда меъёрий ҳужжатлар тадқиқотимизнинг бош методологик асосини ташкил этади.

Диссертацияда В. Фон Гумболдт, А.А. Потебня, Дж. Лакофф, Т.А. ван Дейк, Л. Пуш, Е.С. Кубрякова, В.А. Маслова, Ю.С. Степанов, А. Вежбицкая, А.В. Кирилина, И. Зыкова, Д.В. Семенова ва бошқа олимларнинг когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик ва гендер тилшунослигига доир асарларидан фойдаланилди. Ўзбек тилшунос олимларининг тадқиқотларини ўрганиш диссертацияни тайёрлаш давомида катта ёрдам берди. Ш. Раҳматуллаев, А.Э. Маматов, Б. Йўлдошев, П.У. Бакиров, М.К. Холикова, А.Р. Исмаилов, Г.С. Ҳакимова, К.Д. Тўхтаева, Б.М. Жўраева ва бошқаларнинг тадқиқотлари шулар жумласидандир.

Мазкур илмий ишда контекстуал тавсифлаш, қиёсий-типологик ва статистик таҳлил **методлари** қўлланилди. Шу билан бирга, қуйидаги таҳлил методларидан фойдаланилди:

– концептуал таҳлил методи, яъни фразеологик, изоҳли ва этимологик луғатларнинг лексикографик таҳлили орқали муайян бир

концептнинг жамиятда тутган ўрни, унинг ижтимоий хусусиятини аниқлаш;

– концептнинг номинатив майдонини таҳлил қилиш орқали фразеологик бирликлар ва паремияларда гендернинг имплицит ва эксплицит хусусиятларини аниқлаш;

– кросс-маданий таҳлил, қиёсий тадқиқ этилаётган тилларда гендер аспектининг ўзига хос миллий-маданий хусусиятларини ўрганиш орқали уларнинг фарқли ва ўхшаш жиҳатларини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. Тилдаги ўзига хос фразеологик системанинг миллий-маданий муаммолари ҳозирги вақтда кўплаб тилшуносларнинг тадқиқот объектига айланганлиги бежиз эмас. Буни охириги йиллари тил ва маданият муаммосига бўлган эътибор ва қизиқиш, замонавий тилшуносликнинг антропологик парадигмада ривожланиши билан тушунтириш мумкин. Фразеологизмларнинг гендер, когнитив, прагматик хусусиятлари бир қанча тилшунос олимлар ишларида ўз ифодасини топган. Жумладан А.В. Кирилина гендер стереотипларини рус ва немис тили фразеологияси асосида қиёсий тадқиқ этган [5]. В.А. Никольская тилдаги гендер номуносивблигини таҳлил этиш орқали инглиз фразеологияси ва паремияологиясида гендер ҳосил бўлишининг эксплицит ва имплицит хусусиятларини аниқлаган [6]. Д.В. Семенова инглиз, рус ва қабарда тиллари фразеологик бирликлари ва паремияларида гендер стереотипларнинг намоён бўлиши хусусиятларини тадқиқ этган [7].

Ўзбек тилшунослигида фразеологизмларни қиёсий жиҳатдан лексик, семантик, грамматик сатҳларда тадқиқ этиш, уларнинг когнитив, прагматик ва стилистик хусусиятларини ўрганиш борасида чуқур илмий изланишлар олиб борилган. Жумладан, Ш. Раҳматуллаев, А.Э. Маматов, Б. Йўлдошев, П.У. Бакиров, М.К. Холиқова, Б.Х. Реимов, А.Р. Исмаилов,

Г.С. Ҳакимова, К.Д. Тўхтаева, Б.М. Жўраева ва бошқаларнинг тадқиқотлари.

Европа тиллари гендер тилшунослигида анча кенг ўрганилган. Демак, ўзбек тили фразеологизми ва мақолларида аёл ва эркак концептлари гендер тадқиқотлари нуқтаи назаридан қиёсий тадқиқ этилмаганлиги ва илмий таҳлилга тортилмаганлиги, ўрганилганлари эса матн нуқтаи назаридан таҳлил қилинмаганлиги учун уларни ҳозирги замон тилшунослик назариялари асосида комплекс ҳолда тадқиқ қилишни тақозо қилади.

Тадқиқот объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларида гендер кўрсаткичли фразеологик бирликлар ва мақоллар олинди.

Тадқиқот предмети эса инглиз ва ўзбек тилларида гендер кўрсаткичли фразеологик бирликлар ва паремияларнинг когнитив, лингвомаданий ва прагматик хусусиятларини тадқиқ этишдир.

Тадқиқот мақсади инглиз ва ўзбек тилларида гендер кўрсаткичли фразеологик бирликлар ва паремияларни қиёсий-типологик жиҳатдан когнитив ва лингвомаданий таҳлил қилишдир.

Тадқиқот вазифалари қуйидагича:

- 1) тилшуносликда “жинс” муаммосини ўрганишдаги асосий йўналишларни шарҳлаш;
- 2) “гендер” терминининг қўлланилиш хусусиятларини аниқлаш;
- 3) феминистик тилшунослик назариясининг асосий предметларидан бўлмиш *одам* ва *эркак* (*хотин* ва *эр*, *ўғил* ва *қиз*), *human being* ва *man* тушунчаларининг гендер таҳлилини бериш;
- 4) инглиз тилида, жумладан, фразеологик бирликларда маскулин роднинг “умумийлашган” хусусиятини ўрганиш;
- 5) гендернинг миллий-маданий олам тасвирини ифодалашдаги хусусиятини аниқлаш;

6) инглиз ва ўзбек тиллари фразеологик бирликлари ва мақолларида *аёл* ва *эркак* концептларининг ижтимоий, физиологик ва психологик характери тасвирловчи концептуал қатламларни қиёсий тадқиқ этиш ҳамда уларнинг ўхшаш ва фарқ қилувчи томонларини очиқ бериш.

Ҳимояга қўйиладиган асосий фикрлар қуйидагилардан иборат:

1. Гендер маданиятни яратади, чунки у ижтимоий ҳодиса сифатида жамиятда шаклланади ва ривожланади;

2. Тилнинг фразеологик қатлами онгнинг ўзига хос когнитив микроструктурасини ташкил этиб, ўз семантикасида маданиятнинг бир бўлагини акс эттирувчи тил бирлиги – лингвокультурема ва ахборотни сақловчи, узатувчи ва қайта ишловчи когнитив механизм сифатида намоён бўлади;

3. Тилда мавжуд гендер стереотипларни фразеология ва паремиология материаллари асосида ҳам аниқлаш мумкин. Шунга кўра, инглиз ва ўзбек тиллари фразеологик бирликлари ва паремияларини *аёл* ва *эркакларнинг ижтимоий хусусиятларини акс эттирувчи концептуал қатлам*, *аёл* ва *эркакларнинг психологик характери*ни ифодаловчи *концептуал қатлам*, *аёл* ва *эркакларнинг физиологик хусусиятларини тасвирловчи концептуал қатламларга* ажратиш мумкин;

4. Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологик бирликлари ва паремияларида *эркаклик* дунёси кенг тасвирланган, яъни андроцентризм ҳар икки тилда мавжуд;

5. Ҳар қандай жамият *аёл* ва *эркакларни* турли нуқтаи назардан тасвирлайди. *Одам* тушунчаси умумий бўлишига қарамасдан, *одам* ва *эркак* тушунчалари, бир қанча Европа тилларидаги каби, ўзбек тилида ҳам тенглаштирилади. *Маскулин* (эркаклик, эркакка хос) категория “умумий”, “умумий қабул қилинган” сифатида қаралади;

6. Тилда *андроцентризм*нинг юзага келишига биологик ва ижтимоий омиллар сабаб бўлиб, уларнинг ҳар иккиси гендер стереотипларининг юзага келиши ва шаклланишига таъсир қилишига қарамадан ижтимоий омиллар муҳим роль ўйнайди;

7. Жамиятда рўй бераётган ўзгаришлар консерватив тилга сезиларли даражада бирданига таъсир кўрсата олмайди, чунки тилда юзага келган ва шаклланиб бўлган бидъатлар эркак ва аёл ўртасидаги ижтимоий тенглик омилидан анча устун бўлиб қолмоқда.

Диссертациянинг илмий янгилиги қуйидагилар билан изоҳланади:

– ишда илк бор инглиз ва ўзбек тиллари фразеологик бирликлари ва паремиялари гендер ёндашув асосида қиёсий таҳлил этилди;

– ўзбек тилида гендерлик аспекти фразеологизмларнинг ифода планида ёрқин намоён бўлиши, инглиз тилида эса гендерлик аспекти фразеологизмларнинг мазмун планида ёрқин ифодаланиши аниқланди;

– лексикографик манбаларда *одам* ва *эркак* (*хотин* ва *эр*, *ўғил* ва *қиз*), *human being* ва *man* тушунчаларининг концептуал гендер таҳлили тилда андроцентризмнинг устунлигини тасдиқлади;

– тадқиқотда ҳар икки тилдаги гендер стереотипларнинг ижтимоий-маданий, когнитив-психологик ва физиологик хусусиятларини аниқлаш ёрдамида уларнинг шаклланиш жараёнлари кўрсатилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотимиз маданиятлараро коммуникация асослари, когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик ва қиёсий тилшуносликдаги назария ҳамда методларга асосланади.

Тадқиқот натижалари умумий тилшунослик, тил ва жамият, тил ва тафаккурнинг ўзаро таъсири, когнитив билиш жараёнида тилнинг ўрни ва аҳамияти каби муаммоларни ишлаб чиқишда назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Тўпланган материаллар ва уларнинг таҳлилидан умумий тилшунослик, социолингвистика ва психолингвистика, лексикология, когнитив тилшунослик ва гендер тилшунослик курслари бўйича маърузалар ўқишда, филология факультетлари талабалари учун дарсликлар ва қўлланмалар яратишда, бир ёки кўптилли гендер истилоҳлари луғатларини тузишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот манбаи сифатида 500дан ортиқ фразеологик бирликлар ва паремиялардан фойдаланилди. Улар инглиз ва ўзбек тилларига доир изоҳли ва фразеологик луғатлардан танлаб олинди: Siedl J., Mc Mordie W. English Idioms and How to Use them (М., 1983), Oxford Concise Dictionary of Proverbs (Oxford, 2003), А.В. Кунин. Англо-русский фразеологический словарь (Москва, 1984), Ш. Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг фразеологик луғати (Тошкент, 1992), Т. Мирзаев, А. Мусоқулов. Ўзбек халқ мақоллари. (Тошкент, 2003)

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 84 бетдан иборат.

БИРИНЧИ БОБ
ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТИЛШУНОСЛИГИДА ГЕНДЕР
НАЗАРИЯСИНING АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ

1.1. “Гендер” тушунчаси ва гендер тилшунослигининг
асосий масалалари

Тил ва жинс тушунчаларининг ўзаро боғлиқлигини ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортиши унга тегишли терминологик масалаларни кўриб чиқиш эҳтиёжини туғдирди.

Гендер терминининг қўлланилиши тилшуносликка қандай таъсир этиши ва қандай ўзгаришларга олиб келиши олимлар диққатидан четда қолмади.

Тилларни қиёслашдан аввал маълум бир терминнинг қиёсланаётган тиллар учун адекватлиги, яъни мослиги муҳим ҳисобланади [8, 92]. Тадқиқотимизда гендер терминининг қўлланилиши терминологик адекватлик принципига кўра тадқиқ этилади. Ҳар икки тилда гендер бир вақтнинг ўзида шахснинг ижтимоий ва маданий шартлашган эркаклик ва аёллик хусусиятларини ўзлаштириш жараёни ва натижасини кўрсатувчи тушунча сифатида талқин этилади.

«Инглиз тилида грамматик тушунчани англатувчи gender сўзи ижтимоий ролларни ҳазил, киноя маъносида белгилаш учун қўлланилган бўлса, кейинчалик фанда мустаҳкам ўрин эгаллади. Бу тушунча икки маънода қўлланилади:

1. Гендер – жинслар ўртасидаги англашиладиган фарқларга асосланиб, ижтимоий муносабатларда шаклланади.

2. Гендер – ҳокимият муносабатларини мустаҳкамлашнинг асосий воситаси ёки ушбу ҳокимиятда ифодаланадиган бир соҳа ҳисобланади. Биринчи тушунча ҳиссасига бир-биридан фарқланувчи тўрт элемент тўғри келади: маданий рамзлар, сиёсий, илмий ва диний таълимотларда ифодаланадиган меъёрий тушунчалар, сиёсий ва ижтимоий ташкилотлар

ҳамда институтларда жинсий белгиларга кўра фарқлаш, шунингдек, шахсининг субъектив ҳис туйғулари» [9, 13].

Гарчи *гендер* кўпчилик тадқиқотчилар томонидан тан олинган бўлса ҳам, уни фарқлашда ва тушунишда бир қатор чалкашликлар ҳам йўқ эмас. Масалан рус тилидаги *секс* – *пол* ёки ўзбек тилидаги *секс* – *жинс* жуфтликлари инглиз тилида *sex* – *sex* га бизнингча тўлиқ тўғри келмайди. Баъзан *sex* – *gender* бирикмаси сўзма-сўз ўзбек тилига таржима қилинганда, ҳар хил маъно келиб чиқиши мумкин.

Бундан ташқари, ғарб мамлакатларида жинс (пол) маъносидаги *sex* сўзини ҳатто ноилмий дискурсларда сиёсий тенглик мақсадида “gender” сўзи билан алмаштириш ғояси илгари сурилмоқда.

Ноаниқликлар тадқиқотнинг қайси тилда ёзилганига кўра ҳам юзага келиши мумкин, шунингдек, чет тилларда ёзилган ишларни ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида ҳам бундай қийинчиликларга дуч келиш табиий. Масалан, инглизча *sex* ёки французча *le sexe* ўзбек ва рус тилларига *секс* (жинсий алоқа) ва *жинс* деб таржима қилиниши мумкин.

У ёки бу атамадан фойдаланишда муаллифнинг шахсий қарашлари ҳам катта аҳамиятга эга. Биодетерминистик йўналиш тарафдорлари [10, 34] жинсининг анъанавий ҳолда қўлланилиши тарафдорларидир. Ижтимоий конструктивизм тарафдорлари [11, 146] эса “гендер” (ижтимоий жинс) ни қўллашади.

Ўзбек тилида инглиз тилидан фарқли ўлароқ “жинс” (пол) “секс” тушунчаси билан мувофиқлашмайди, шунинг учун таржима жараёнида “жинс” (пол) сўзининг қўлланилиши, фикримизча, афзалроқдир. “Секс” атамасини фақатгина жинсларнинг табиий (жинсий) алоқаси сифатида тушуниш мумкин. Баъзан «секс – жинсий ҳаётга, шахвоний муносабатларга боғлиқ ҳамма нарса» [12, 405] деб изоҳланади. Бу ҳолат ҳам “жинс” лексемасининг маъносини нейтраллаштиради, шу билан бирга таржима жараёнида қийинчиликлар туғдиради. Масалан, *sexual* –

(сексуальность) сўзи инсоннинг репродуктив вазифаси, шахвоний муносабатлар маъносида русчадан ўзбек тилига «шахвониятга берилганлик, шахвонийпарастлик» [12, 405] деб таржима қилинса, Ғарб илмий дискурсларида мутлақо бошқа маънода берилиши мумкин.

Гендер терминини турли матнларда қайси маънода қўлланилганлигига эътибор бериш зарур. Ўзбек тилида *гендернинг* қўлланилиши ўзига хосдир. Унда рус ва немис тилларидаги каби “жинс”ни ифодалаш учун алоҳида терминнинг (*жинс, пол, Geschlecht*) мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда тадқиқотнинг умумий йўналишини гендер термини билан атаб, кенг маънода “ижтимоий жинс” тушунчасидан фойдаланиш мумкин.

Демак, *sexus* (табiiй жинс) ва *gender* атамаларининг ўзаро муносабатларини тилшуносликда қуйидагича таърифлаш мумкин: “Табиий жинс (*sexus*) шахснинг биологик хусусиятлари билан боғлиқ бўлган лексик атамаларнинг компоненти ҳисобланса, *гендер* эса жинснинг ижтимоий-маданий аспектини ифодаловчи тушунчадир”.

Гендер жуда кенг маънодаги тушунча бўлиб, “жинс” билан боғлиқ бўлган кўплаб тил ҳодисаларини тадқиқ этишни тақозо этади.

Таҳлилларимиз давомида гендернинг қўлланилиш хусусиятларини ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Замонавий инглиз, ўзбек ва рус тилларида *gender identity* (*гендерная идентичность, гендер ўхшашлик*), *gender harassment* (*гендерное домогательство, жинсий тажовуз*), *gender roles* (*гендерные роли, гендер роллар*), *gender discrimination* (*гендерная дискриминация, гендер камситиш*), *gender relations* (*гендерные отношения, гендер муносабатлар*), *gender inequality* (*гендерное неравенство, гендер тенгсизлик*) бирикмалари жамият томонидан ижобий қабул қилиниши натижасида фаол қўлланилиб келинмоқда. Бу бирикмаларнинг тезлик

билан кириб келиши жамиятда содир бўлаётган ижтимоий жараёнлардан дарак беради.

Бироқ гендернинг асосан “жинс” маъносида қўлланилиши умумий ҳолда оммалашган.

*However, regardless of their background, **gender** and characteristics, I notice that all of my close friends have one characteristic in common - they all have a sense of humor* (IELTS\Students' essay).

Гендер сўзининг қайси маънода қўлланилганини аниқлаш жараёнида ҳам, шунингдек, таржима жараёнида ҳам бироз қийинчиликларга дуч келиш мумкин. Масалан, қуйидаги гапда *жинс* сўзи бир вақтнинг ўзида gender ва sex сўзлари билан ифодаланаётганини кузатишимиз мумкин.

*Boys and girls tend to play with children of their own **gender**, and their **sex** separate groups have different organizational structures and interactive norms* (Deborah Tannen: Washington Post, June 24, 1990).

Science Daily журнаlining саҳифасидаги мақолада беморларни даволашда уларнинг жинс ва гендер фарқларининг бирикувининг аҳамияти ҳақидаги тизимли таҳлиллар натижаси келтирилиб, мақоланинг сарлавҳасида sex ва genderнинг ёнма ён келиши, уларнинг биологик жинс ва ижтимоий жинс сифатида, бир биридан фарқли ҳолда талқин этилишини кўрсатади:

“Clinical Research Doesn't Do Enough to Study Sex and Gender Differences” (Science Daily: Nov. 9, 2010).

“How Gender Is Created During Everyday Life at Preschool” номли мақола саҳифасида гендер *ижтимоий жинс* маъносини беради. Мақолада гендернинг (гендер стереотипларининг) мактабгача таълим муассасаларида шаклланиши ва ўзлаштириш йўлларини ўрганишнинг аҳамияти тўғрисидаги фикрлар илгари сурилади (Science Daily: Oct. 5, 2010).

Ўзбек нашрларидан бирининг саҳифасида аёл ва эркек ўртасидаги ижтимоий ва биологик фарқлар, яъни ишда, севги бобида, уларнинг раҳбар сифатида фарқи, уларнинг мия фаолиятидаги фарқи, жисмоний фарқлар ва ҳ.к. лар ҳақида сўз юритилиб, мақола “Мана, аёллар ва эркеклар ўртасидаги биологик ва руҳий фарқлар билан танишдик”, – жумласи билан якунланади (Даракчи: 2010, 27- сон). *Руҳий фарқлар* бирикмаси остида *гендер* (ижтимоий жинс) омилларидан бири назарда тутилган бўлиб, атаманинг қўлланилмаганлик сабабини эса ўзбек дискурсига гендер тушунчаси ҳали тўлиқ кириб келмаганлиги билан тушунтириш мумкин.

“Аёллар саййидаси” номли китобда шундай мисралар мавжуд: “Ислом дини баданий ва руҳий яратишларидан ташқари, эркек билан аёл ўртасида тенглик эълон қилгандир” [13, 34]. *Руҳий яратилиш* гендерни англашиб келаётгани яққол кўриниб турибди.

Гендер сўзини “ижтимоий жинс” ва “биологик жинс (род)” маъноларда қўлланилишини лексикографик манбаларда кўриб чиқиш жараёнида шу нарса аниқландики, луғатларнинг аксариятида гендернинг фақат “жинс” ва “категория (род)” маънолари англашилади. Масалан:

Genderнинг “жинс” маъноси қадимги инглиз тили луғатида (OED) 1300 йилга бориб тақалади ва стандарт маъно сифатида Samuel Johnson (1755) ва Noah Webster (1828) ларнинг луғатларига киритилган. Шунингдек, OED “ҳозирда фақат jocular – ҳазил” маъносида (1998), Merriam-Webster “obsolete” – эскирган ёки “colloquial” – оғзаки қўлланилади изоҳлари билан келтиради [14, 474].

Longman Lexicon of Contemporary English луғатида ҳам унинг жинс ва категория маънолари англашилади:

Gender – 1) the grouping of nouns and pronouns according to sex (masculine, feminine,neuter) or according to form and syntax.

2) one of these classes: What gender is the word for “stone” in Spanish [15].

The Barnhart Concise Dictionary of Etymology (1995) луғатида *гендер* атамасининг қадимги француз *genre* (вид, манера) ва лотин (*genus*) сўзларидан кириб келганлиги қайд этилади.

Macmillan Essential dictionary (2003) *gender*нинг фақат жинс ва грамматик род категорияси маъноларини беради:

***Gender* –**

- 1) The fact of being either male or female = sex.
- 2) All male people, all female people = sex: the entire male gender
- 3) Linguistics: the gender of a word whether masculine, feminine or neuter.

Луғатларда гендернинг анъанавий, яъни “жинс” ва “категория” маъноларининг берилишини гендернинг “ижтимоий жинс” маъносининг тил соҳасига бошқа фанларга нисбатан кеч кириб келганлиги билан тушунтириш мумкин.

Гендер илм-фанга ўзининг биологик жинс маъносини тарк этмаган ҳолда шахснинг ижтимоий-маданий мақомини белгиловчи муҳим омил сифатида ўтган асрнинг 80-йилларида кириб келди. Гендернинг тилшунослик соҳасига ижтимоий фанлардан кириб келганлиги тўғрисидаги тасдиқни социологик луғатларда унинг “ижтимоий-маданий жинс” кўринишидаги изоҳининг мавжудлиги билан тасдиқлаш мумкин. Демак, гендер ижтимоий ҳодиса ва ижтимоий категория сифатида лингвистик нуқтаи назардан тадқиқ этилади.

Ижтимоий фанларнинг барча соҳаларида билимнинг антропоцентриклигига ва шахснинг ўзига хос жиҳатларига ортган қизиқиш тил ва жинснинг ўзаро тарқоқ боғланишларини чамбарчас бирлаштиради дейиш мумкин.

XX асрнинг 60 йиллари охири ва 70 йил бошларида гендер тадқиқотларига бўлган муносабат буткул янгича тус олди. Айнан шу даврда тил ва жинс муносабатларини тадқиқ этиш методларининг фарқланишига кўра бир нечта **тилшунослик йўналишлари** шаклланди.

1. Социолингвистик тадқиқотлар.
2. Феминистик тилшунослик.
3. Икки жинсни ўрганувчи соф гендер тадқиқотлари.
4. Маскулинлик тадқиқотлари (Mens studies: 90 йилларда вужудга келган янги тадқиқотлардан бири).
5. Жинсни психолингвистик нуқтаи назардан ўрганиш.
6. Кроссмаданий ва лингвомаданий тадқиқотлар [5, 37].

Тилшунослик фанининг объекти тил бўлиб, у ҳар хил даврларда, яъни тилнинг хусусияти, вазифалари турли нуқтаи назардан ўрганиб келинган. Охирги ўн йилликда билишнинг янги методологик йўналиши, яъни когнитив ёндашув асосида олиб борилаётган тадқиқотларнинг кенг тус олиши натижасида когнитив тилшунослик – тил ҳақидаги фаннинг энг жадал ривожланиб келаётган йўналишларидан бирига айланди.

Когнитив тилшуносликнинг пайдо бўлиши 1970 йилларнинг II ярмида мавжуд бўлган америкалик олимлар ишлари билан боғлиқ (Lakoff; Paivio; Taylor ва бошқ.). Ушбу соҳада рус тилшунос олимлари ҳам муваффақиятли иш олиб боришмоқда ва унинг айрим назарияларини ишлаб чиқишда катта ҳисса қўшиб келмоқдалар (Е. Кубрякова; О. Колосова; А. Баранов; Р. Фрумкина ва бошқ.)

Тил ва когнициянинг ўзаро боғлиқлигига бағишланган талайгина ишлар ўзбек тилшунослигида ҳам янги соҳа сифатида ўз ўрнини топиб келмоқда (Д.У. Ашурова, Ш. Сафаров, Ў. Юсупов). Зеро, когнитив тилшунослик ўзини фан сифатида оқлади.

Маълумки, когнитив тилшунослик асосан семантика билан шуғулланади, шунинг учун бўлса керак уни “изчил семантика” сифатида

ҳам таърифлашади. Тил бирликлари дунёда мавжуд бўлган предметлар ва содир бўладиган ҳаракатларни ифодалашга хизмат қилар экан, семантика тил бирликларининг реал ёки тасаввурдаги олам ўртасидаги ўзаро муносабатларни боғлаб туради. Бу муносабатларни эса тилшунослик семантикаси ўрганади. Семантика тилшуносликнинг бир бўлими сифатида шахснинг сўз ва грамматик қоидалар ёрдамида қандай қилиб ҳар хил маълумотни етказиб бера олиши мумкин деган саволга жавоб берса [8, 49], когнитив тилшуносликнинг диққат марказида нафақат “тил формаси ва субстанцияси бирлиги”, балки унданда муҳимроқ “тил ва инсон бирлиги” туради [16, 35], унинг структуравий тилшуносликдан фарқи ҳам ана шунда. Шунга кўра, когнитив тилшунослик коммуникатив прагматика ва дискурс назарияси билан чамбарчас боғлиқ.

Когнитив илм-фан назарий информацион моделларни қўллаш асосида онг ва олий идрок этиш жараёнларини ўрганувчи фан сифатида ҳам таърифланади [17, 264].

Когнитив тилшуносликнинг муҳим хусусиятларидан бири шуки, у тилни инсон билан, яъни унинг онги, билими, фикрлаш ва англаш жараёнлари билан боғлиқ ҳолда кўришга имкон беради [18, 81], унда асосий эътибор тил формалари ва ҳар қандай тил ҳодисалари инсон билими ва тажрибаси билан қандай боғланганлиги ва уларнинг инсон онгида қандай тасвирланишига қаратилади. Шунга кўра, когнитив тилшунослик тил ҳақидаги фан ва инсон психикаси ҳақидаги фан билан бўлган ўзаро муносабатлар тарихини давом эттирмоқда десак муболаға бўлмайди (А.А. Потебня, Г. Штейнталь, В. Вундт). Чунки тилшунослик ва психология фанлари ўз методологиясига кўра кескин фарқ қилувчи икки хил ижтимоий фан бўлишига қарамасдан, тилнинг шаклланиши маълум психологик механизмларга таянади.

Когнитив ёндашув — тил воқеа-ҳодисаларини билиш назарияси ёрдамида изоҳлаб бериш усулларида бири бўлса [19, 16-17], когнитив

тилшунослик психоллингвистика билан чамбарчас боғлиқ, дейиш мумкин. Чунки “психоллингвистика фан сифатида лингвистик гипотезаларни психологик жиҳатдан асосласа (ёки бошқача қилиб айтганда психологик методологиянинг тилшунослик назариясига татбиқ этилиши), когнитив тилшунослик эса психологик гипотезаларни лингвистик (реаллигини аниқлаб) асослайди” [20, 7].

Ў. Юсупов когнитив тилшуносликнинг вазифаларини қуйидагича белгилайди:

- 1) инсондаги билимларнинг пайдо бўлишида тилнинг ролини аниқлаш;
- 2) олам ва ундаги нарсаларни категориялаштириш (тушунчалар ҳосил қилиб, уларни турларга бўлиш), концептуаллаштириш (концептлар ҳосил қилиш) ва аташ (номинация) жараёнларини тушуниш;
- 3) концептуал система билан тил системаси ўртасидаги муносабатни аниқлаш;
- 4) оламнинг лисоний ва когнитив (концептуал) тасвирлари билан боғлиқ бўлган масалаларни ечишдир [21, 49].

Тадқиқотимизда когнитив тилшуносликнинг юқорида айтиб ўтилган вазифаларидан тўртинчиси, яъни оламнинг лисоний ва когнитив тасвирлари билан боғлиқ масалалар тилнинг фразеологик тизимида гендер тадқиқотлари нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

Мазкур ишда тилнинг фразеологик тизимида билиш назарияси орқали аёл ва эркак тушунчаларининг ўзига хос ижтимоий-маданий хусусиятларини аниқлар эканмиз, гендер тилшунослигининг лингвомаданиятшунослик ва когнитив тилшунослик билан узвий боғлиқлигини тасдиқлаш мумкин.

Д. Курцон ҳам гендер тилшунослигини социоллингвистиканинг бир бўлими сифатида таърифлайди: “Gender linguistics, a branch of linguistics that is part of sociolinguistics ...” [22, 2].

А. Кирилина гендер тилшунослигининг социолингвистикадан фарқини қуйидагича изоҳлайди: “Гендер тилшунослигининг олдида турган асосий мақсад тилда қайси жинс эгаси ҳокимлик қилиши эмас, балки уни (ҳокимликни) тасвирловчи воситаларнинг тилда мавжудлиги, гендернинг қандай прагматик ва коммуникатив контекстда ҳосил бўлиши ва ушбу жараёнга экстра ва интралингвистик омилларнинг таъсирини ўрганишдир” [23, 9].

Л. Пуш ҳам тилшунослик асосан лингвистик ифодаларнинг инсон учун субъектив ва объектив қандай аҳамиятга эга эканлигини эмас, балки ушбу ифодаларнинг маъноси билан шуғулланишини эътироф этади. “Бугунги тилшунослик тилни танқид қилмайди, балки уни тасвирлайди”, – деб ёзади Л.Пуш [24, 9].

О.А.Воронинанинг фикрига кўра, гендер тадқиқотлари методологиясининг асоси – нафақат аёл ва эркеклар мақоми, роллари ва бошқа хусусиятлари ўртасидаги фарқларни тасвирлаш, балки гендер роллари ва муносабатлари натижаларини, яъни жамиятда юзага келган “ҳокимликни таҳлил этиш ҳамдир” [25, 105-106]. О.А. Воронинанинг ушбу фикрларини тилшунослик соҳасига татбиқ эта олмаймиз, чунки тилшунослик тилда қайси жинс ҳукмронлик қилишини эмас, балки гендер номутаносибликни ифодаловчи тил воситаларини тадқиқ этиш билан шуғулланади.

Тилшуносликда гендер тадқиқотлари методологиясини А.В. Кирилина қуйидаги умумилмий принциплар бўйича ажратади. Биринчидан, гендер фанлараро категория бўлиб, ҳар қайси фан гендер ёндашуви асосида тадқиқ этилиши мумкин. Иккинчидан, гендер маданият ва жамият ривожининг маҳсули ҳисобланади. У институционалашган ва ритуаллашган. Учинчидан, гендер ўзгарувчан ва вақтга кўра динамикдир [5, 11-12].

Гендер тилишунослиги куйидаги муаммолар гуруҳини ҳар хил нуқтаи назардан ўрганади:

1. Тил ва унда жинснинг ифодаси: номинатив тизим, лексикон, синтаксис, род категорияси ва қатор ўхшаш объектлар. Бундай ёндашишнинг мақсади турли хил жинсдаги шахсларнинг тилда қандай намоёиш этилиши, эркак ва аёлларга бериладиган баҳолар ва уларни қайси семантик шароитларда янада ёрқин ифодаланганлигини тасвирлаш ва тушунтиришдан иборат. Бу бир тил ёки бир нечта тиллар бўйича чоғиштира тадқиқотлар бўлиши мумкин.

2. Коммуникацияда ютуққа эришиш усуллари, лексик бирликларнинг гендер спецификасига асосланган ҳолда қўлланилиши, эркак ва аёлларнинг нутқларида ажраладиган ўзига хос стратегия ва усуллар, яъни эркак ва аёл нутқининг специфик хусусиятлари. Бу ўринда бир қанча концептуал ёндашишларни ажратиб кўрсатиш мумкин, булар авваламбор, ижтимоий-маданий детерминизм ва биодетерминизм назариялари [5, 37].

Бизнинг ишимизда юқорида айтиб ўтилган муаммолар гуруҳининг ҳар иккиси, яъни тилда – фразеологик бирликлар ва паремиялар, род категорияси, синтаксис каби объектларда гендернинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш билан бирга, шахснинг нутқий фаолиятида гендернинг роли каби муаммолар ҳам кўриб чиқилади.

1.2. Инглиз тилида гендернинг лексик ифодаси

Инглиз тилида род категорияси бошқа тилларга қараганда катта аҳамиятга эга эмас. Род категорияси референтнинг жинси ва предметларнинг асосан олмошлар билан мослашувида намоён бўлади. “Бу, аввало кишилиқ олмошлари (he, she, it), эгалик (his, her, its) ва ўзлик (himself, herself, itself) олмошлари ёки уларнинг ўрнини босувчи тирик мавжудотлар жинсига мос бўлган, ёки инаниматив предметларни кўрсатувчи олмошлардир. Шунга кўра “табiiй жинс” тушунчаси унинг

расмий ифодасидан устун туради, яъни “родда нафақат сўзларнинг ўзи, балки маълум даражада шу сўзлар орқали ифодаланувчи предметлар таснифланади” [26, 73].

Замонавий инглиз тилида гендер кўрсаткич асосан *от* сўз туркумига тегишли ва асосан маскулин род сўзларидан ясалган феминин род сўзларида намоён бўлади. Маскулин род отлари эса, баъзи ҳоллардагина гендер кўрсаткичга эга сўзлар сифатида қаралади, чунки улар асосан умумий сўзлар сифатида қабул қилинган. Демак, айтиш мумкинки, “феминин род отлари маскулин род отларига нисбатан тилда родни сақлаш каби беқиёс аҳамиятли вазифани бажаради” [27, 89].

Инглиз тилида гендер кўрсаткичли отлар **уч хил усул** билан ҳосил бўлади:

- 1) аффиксация (teacher – teacheress);
- 2) лексик ифода (boy/girl);
- 3) синтактик бирикма ҳосил қилиш йўли билан мослашув (male nurse, he dog).

Гендер кўрсаткичга эга бўлган лексик жуфтликлар асосан оилавий муносабатлар (father – mother, uncle – aunt, daughter – son ва ҳ.к.), ижтимоий роллар (king – queen, lord – lady ва ҳ.к.) ва ҳайвонлар (bul – cow, cock – hen, etc.) номларида акс этади. Аёллик ва эркаклик фарқлари синтактик алоқага киришган формал кўрсаткичлар орқали ҳам ифодаланиши мумкин:

Препозитив гендер кўрсаткичлар: **female** officer, **Mr.** John, **Miss** Thorburn, lady doctor, girl graduate, male nurse.

Гендер кўрсаткичли элемент билан келган қўшма сўзлар: an English**man**, a Scots**man**.

Дериватив гендер кўрсаткичлар: **Actress** Julia.

Кишилиқ олмошлари орқали ясаладиган дериватив гендер кўрсаткичли сўзлар: **he** lion, **she** lion, he – goat, she – goat каби [28, 312].

Келтирилган кўрсаткичлардан –ess, шубҳасиз, феминин кўрсаткич, лекин –or/–er доим ҳам маскулин кўрсаткич ҳисобланмайди. Чунки –or/–er умумий маънога эга бўлган ва феминин род ҳосил бўладиган маскулин род кўрсаткичидир. Longman Grammar of Spoken and Written English (2004) да келтирилишича –man ва –woman билан туговчи сўзларнинг частотаси бир миллион сўзга нисбатан 620/4 [28, 313]. Бу кўрсаткич инглиз тили вакиллари ва ёзувчиларининг –woman билан туговчи сўзларни –man билан туговчи сўзларга нисбатан кам қўллашидан дарак беради. –woman шакли сўзларнинг деярли барчаси ёнма-ён қўлланадиган –man шакли жуфт сўзига эга бўлиб, –man шакли сўзлар кўп ҳолларда умумий маънода қўлланилади.

Шунингдек, луғатда –woman шакли жуфт сўзга эга бўлмаган –man қўшимчали сўзлар келтирилган: *airman, alderman, ambulanceman, anchorman, barman, boatman, cabman, cameraman, churchman, clergyman, coalman, conman, countryman, craftsman*. Луғатда берилишича, –ess шакли сўзлардан фақат *seamstress* маскулин шаклга эга эмаслиги аниқланди [28, 313].

Келтирилган маълумотлар жамиятда мавжуд бўлган гендер фарқларнинг тилдаги аксини намоён этмоқда. Эркаклар ҳануз куч ва ҳукмронлик эгасидир. Тилда гендер тенгсизликнинг сақланишининг сабабини Л.Пуш қуйидагича изоҳлайди:

1. Жамият аксарият ҳолларда маскулин родга тегишли отларни умумий маънода қўллашни афзал кўради.

2. Маскулин атамалар икки функцияни бажаради, яъни улар ҳам аёлларга, ҳам эркакларга нисбатан қўлланиши мумкин. Агар референтнинг жинсини ифодаловчи кўрсаткич бўлмаса маскулин атама қўлланилади [24, 35].

Longman Grammar of Spoken and Written English (2004)да –man шакли жуфт сўзларига эга бўлмаган –woman билан туговчи 7та сўз

келтирилади: *beggarwoman* (тиланчи), *catwoman*, *charwoman* (ёлланган уй ёрдамчиси, фаррош), *ghostwoman* (арвоҳ аёл), *needlewoman* (тикувчи), *slavewoman* (қул аёл), *sweeperwoman* (сунурувчи, тозаловчи аёл) [28, 315]. Эътибор берсак, келтирилган сўзларнинг деярли барчаси салбий маънога эга бўлган сўзлардир. Таҳлилларимиз давомида *madwoman* (ақлдан озган аёл) сўзининг –man шаклли жуфт сўзи йўқлиги ҳам аниқланди.

Бундан ташқари, феминин/маскулин жуфтлиги сифатида келтирилган сўзларни қиёслаганда, феминин терминлар маскулинларга нисбатан ижтимоий тенглик борасида бир хил кучга эга эмаслиги кузатилди.

Улар қуйидагилар:

Spinster/bachelor

Spinster 1) йигирувчи; 2) турмушга чиқмаган аёл; 3) қари қиз.

Bachelor 1) бўйдоқ; 2) ёш рицарь; 3) бакалавр.

Governess/governor

Governess 1) мураббия, тарбиячи хотин, фарзанд тарбияси учун ёлланган тарбиячи хотин, раҳбар (эскирган).

Governor 1) раҳбар, ҳоким; 2) ота, бошлиқ, иш берувчи.

Mayoress/mayor

Mayoress (мэр хотини, аёл мэр, аёл мэрининг ёрдамчиси).

Mayor (шаҳар, ҳокими).

Mistress/master

Mistress – уй бекаси, жазман, маъшуқа, маҳбуба, моҳир уста, ўқитувчи.

Master – хўжайин, соҳиб, бошлиқ, ердор, заминдор, кулдор, уй эгаси, оила бошлиғи, мутахассис, ўз ишининг устаси, ўқитувчи, асосий, бош, ҳукмрон, асл, юқори сифатли, ғолиб.

Tigeress/tiger

Tigress – шафқатсиз, қаҳри қаттиқ аёл.

Tiger – кучли, дадил, жасур, кўркмас, қаҳри қаттиқ одам.

Witch/wizard

Witch - жодугар аёл, ялмоғиз, алвасти.

Wizard – сеҳргар, афсунгар, фокус кўрсатувчи, магнат, гений, сеҳрли, ажойиб, эксперт, ўз ишининг устаси.

Демак айтиш мумкинки, феминин терминлар паст даражали мақомга эга бўлган ижтимоий ролларни ифодалаш учун қўлланилган, натижада tiger-tigeress каби жуфт сўзларда **семантик номувофиклик** юзага келади.

Иккиламчи (умумий) гендерни ифодаловчи отларга мурожаат этилганда, (friend, individual, student) референтнинг жинсига кўра у ёки бу олмошни қўллаймиз (he,his/she,her). Бироқ референтнинг жинси номаълум бўлса, одатда маскулин олмошлар қўлланилади.

Each **novelist** aims to make a single novel of the material **he** has been given.

Each **individual** is thus the recipient of the accumulated culture of the generations which have preceded **him**.

Қуйидаги мисолда *spokesman*нинг, яъни референтнинг жинси аниқ эмас, шунинг учун маскулин атама умумий маънода қўлланилади:

Аёл ва эркакларга хос махсус расмий мурожаат ундалмасининг йўқлиги ҳам гендер муаммосининг ўзбек тилшунослигида ҳали етарлича тадқиқ этилмаганлигидан далолат беради. Аксарият ҳолларда аёлларга мурожаат этилганда “Назира опа”, эркакларга эса “Комил ака” тарзида мурожаат этилади. Ёши катта аёлларга “опоқи, хола”, эркакларга нисбатан “дода, амаки” тарзида мурожаат қилинади. Ваҳолангки, бу сўзларни рус тилига ёки инглиз тилига таржима қилсак, қариндошлик муносабатларини ифодаловчи сўзлар ҳосиласини кўриш мумкин.

Гендернинг лексик ифодаси таҳлиллари феминин род отлари маскулин род отларидан ясалган, деган фикрни тасдиқлади ва лисоний андроцентризмнинг яна бир кўринишини кузатиш имконини берди.

1.3. Ўзбек тилида “АЁЛ” ва “ЭРКАК” тушунчаларининг гендер нуқтаи назаридан таҳлили

Лексикография замонавий йўналишлар таъсирида, айниқса антропологик парадигма доирасида сезиларли даражада ривож топди. Лексикографик манбалар замонавий лингвистик гендерологиянинг фаол аспектларидан бири ҳисобланиб, уларнинг гендер таҳлили аёл ва эркакларга хос меъёрлар, аёллик ва эркаклик концептлари, шунингдек аёллик ва эркакликнинг лисоний олам тасвиридаги ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот беради. Шунга кўра, инсон тил вакили сифатида “луғат шахсда” ва “шахс луғатда” йўналишлари тадқиқ этила бошланди [29, 77]. Фаннинг бу икки йўналиши муаммоларини ечишда гендер тадқиқотлари натижалари муҳим ҳисса қўшади.

Ғарбий тилларда асос солган феминистик танқид ғоялари, шунингдек гендер назарияси инглиз лексик birlikларини лексикографик тасвирлашда ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Коммуникатив гендер компонент ва миллий гендер стереотипларнинг лексикографик таҳлилининг методологик аспекти икки йўналишни ўз ичига олади. “Биринчидан, лексикографик манбалардан коммуникатив гендер компонентнинг миллий-маданий хусусиятларини таҳлил этишда фойдаланиш. Иккинчидан, аёллик ва эркаклик маданий концептлари ва миллий гендер андозаларининг лексикографик соҳада қўлланилиш жараёни ва усулини ўрганиш [30, 207].

Инсоннинг турли хил сифатлари, жумладан, интеллектуал қобилиятлари ва хулқ-атворида намоён бўладиган хусусиятларини тил воситалари орқали лексик-семантик гуруҳларда тавсифлашга тилшуносликда катта эътибор берилмоқда [31; 124].

“Одам” концептининг оламнинг лисоний тасвирида миллий ва умуммаданий хусусиятларини очишда изланишларнинг олиб борилиши [32, 34-37], “инсон” концепти таҳлилисиз маданиятни таърифлаш мумкин эмаслигини [33, 52-56] тасдиқлайди.

Ушбу бўлимда биз гендер кўрсаткичли лексик бирликлар *одам*, *эркак*, *хотин*, *эр*, *ўғил* ва *қиз* тушунчаларини лексикографик изоҳ орқали гендер нуқтаи назаридан концептуал таҳлилини ўтказамиз ва феминистик танқиднинг асосий мавзуларидан бирини (“одам” ва “эркак” тушунчаларининг тенглаштирилиши) ўзбек тилига татбиқ қилишга ҳаракат қиламиз. Таҳлил Ю. Степановнинг концепт мазмунини ҳосил қилишда қўлланиладиган ижтимоий ва экспериментал методлар асосида амалга оширилди [34, 41].

Б. Менглиевнинг *одам* лексемасининг семантик жиҳатдан таҳлили ёритилган мақоласида “одам” лексемасининг эркак семемаси билан тенглаштиришнинг яққол кўринишини кузатишимиз мумкин. Унга кўра *одам* лексемасининг мазмун силсиласи учта генетик боғланган нисбий мустақил семемалардан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бирини нисбий яхлитлик сифатида қуйидагича таърифлаш мумкин:

1. Фикрлаш, сўзлаш ва меҳнат қобилиятига эга махлуқ.
2. Эркак киши.
3. Вояга етган киши [35, 25].

Ўзбек тилининг этимологик луғатида “*Одам* – арабча сўз ‘*ʿadamu*’ шаклида ёзилиб, биринчи пайдо бўлган киши (Одам ота) маъносини, ‘*ʿadam*’ шаклида ёзилса, киши, инсон маъносини англатади; ўзбек тилига бу сўз адам (одам) шаклида кириб келган” [36]. *Одам* лексемаси ўзбек тили луғатларининг ҳар бирида турлича изоҳланган. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да (бундан сўнг қисқача ЎТИЛ) *одам* – «кишилик жамиятининг айрим бир аъзоси, шахс» сифатида изоҳланади [37].

“Эшитганмисиз бизнинг элликбошимиз қанақа одам? Бутун маҳалланинг отаси. (Ойбек. Қутлуг қон) ”.

“Hozirgi o'zbek tili faol so'zlarining izohli lug'ati” да (бундан сўнг, қисқача НО'TFSIL) *одам* лексемаси қуйидаги маъноларда тавсифланган:

1. Инсон, киши, олий зот: *Одам фарзанди.*
2. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, шахс: *Одамларни чақириб келмоқ.*
3. Жамоа хўжалиги ёки оиланинг ҳар бир аъзоси: *Қарамогйда бешта одами бор.*” [38, 155].

Юқорида келтирилган мисоллардан шуни таъкидлаш мумкинки, *одам* лексемаси ҳам эркак, ҳам аёлни англатади. Чунки қайд этилган луғатларнинг бирортасида ҳам *одам* – *эркак* семаси билан тенглаштирилмаган, яъни *одам* – *эркак* ёки *одам* – *аёл* тарзида изоҳланмаган. Аммо юқоридаги ЎТИЛ да келтирилган мисолда, *одам* лексемасида эркак жинси англашилиб, бу мисолда эркак жинси тушунчаси устунлик қилгани яққол кўриниб турибди, яъни *маҳалланинг отаси* каби. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин: “...мўйсафид ёшдаги шу одам – оз эмас-кўп эмас, нақ олти юз эллик бетлик улкан романни инглизчадан ўгириб, ўқувчиларга тортиқ қилишга жазм этди” [39, 5].

*Песка*¹ онам ҳуш кўрган **одамлардан** бири бўлиб, унинг ўта бемаъни, телба қилиқлари ҳам онам назарида кечирарли эди [39, 11].

“Девону луғотит-турк”да *эр* сўзи (нинг изоҳи) *одам* билан ифодаланганлиги кузатилди:

Пушмаз эр бўз қуш тутар, эвмас *эр* ўрунг қуш тутар –
Ишда сиқилмайдиган одам оқ лочинни ҳам тутади,
шошилмаган одам энг яхши бозини овлайди”[40, 51].

¹

Эркак профессорнинг исми.

Юқорида НО’ТFSIL да келтирилган мисолларда эса, *одам* лексемаси остида икки жинс, яъни аёл ва эркакни англаш мумкин, зеро бундай тушунча жамиятга хос анъанавий тушунчалардан биридир.

Мана шу самимий илтижолар замиридаги мурувват ҳар қандай бағритош одамни ҳам эритиб юборгудек эди [39, 22].

Концептнинг жамиятда тутган ўрни, унинг ижтимоий аҳамиятини белгиловчи методга кўра [34, 41] қуйидаги ҳолатга дуч келамиз, яъни *одам* лексемаси кўп ҳолларда *аёл* тушунчасига эмас, балки *эркак* тушунчаси билан тенглаштирилади.

Мисол учун, бу лексемаларни оддий ҳаётий мисолларда таҳлил қилиб кўрсак, яъни эшикни эркак киши тақиллатса, “Бир *одам* турибди”, – дейилади ва ҳеч иккиланмасдан эркак киши назарда тутилади. Аммо, эшикни аёл киши тақиллатса, ҳеч қачон “Бир *одам* турибди” дейилмасдан, балки “Бир *хотин* турибди”, – дейилади.

Ушбу мисолда ҳам келтирилган *аёл* сўзини *одам* сўзи билан алмаштирсак, шубҳасиз, эркак маъноси англашилади. Солиштиринг:

Бу аёлнинг кимсасизлиги, ожизлиги кўнглимни юмшатди [39, 23].

Бу одамнинг кимсасизлиги, ожизлиги кўнглимни юмшатди.

Қуйидаги мисол эса, *аёл* сўзини ҳақли равишда *одам* сўзи ўрнида қўллаш мумкинлигини тасдиқлайди.

Ювош-мўмин, диловар, бениҳоя мулойим ва беозор кампир дунёга келган дақиқадан бери “мен ҳам одамман-ку”, – деганини ҳеч ким эшитмаган ҳам бўлса керак [39, 46].

Хотин лексемасини таҳлил қилишдан олдин шунини таъкидлаш лозимки, бу лексема ҳам ўзбек тили луғатларида турлича ифодаланган, яъни унга “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да қуйидагича таъриф берилган:

“Хотин – аёл, эрга теккан аёл”. Қизиғи шундаки, *хотин* лексемаси асли қайси тилдан кириб келгани номаълум. Аммо *хотин* лексемаси

қадимги туркий ёки қирғиз тилидан кириб келган, деган фикрлар ҳам мавжуд. Дастлаб бу лексема мартабали кишининг умр йулдоши маъносини англатган [41].

НО'TFSILда *хотин* лексемаси қуйидагича изоҳланади:

1. Эркакка зид жинсли шахс: *Хотин киши.*
2. Никоҳдаги аёл: *Хотин билан иноқ яшамоқ*

Демак, турмушдаги аёл ҳам, эркакка зид жинсли шахс ҳам битта, яъни *хотин* сўзи билан аталар экан, – дейишимиз мумкин.

Ўзбек халқ мақоллари таҳлили жараёнида ҳам аёлнинг мақомини аниқлашда гендер муаммоларга дуч келдик [42]:

Эркакка зид жинс сифатида: *Хунари йўқ эркакдан,
Игнаси бор хотин яхши.*

Турмушдаги аёлга нисбатан: *Хотиннинг чиройи эрдан.*

Ўзбек тилида *хотин* лексемаси икки хил тушунчани англатади, аммо эр ва эркак лексемалари алоҳида тушунчалар сифатида қаралади, деган фикрни тасдиқловчи мақоллар кўп учрайди.

Тюриков, Шоғуломов томонидан таржима қилинган Гегельнинг ушбу афоризми юқоридаги фикримизни тасдиқлайди:

“Аёл фарзанд тимсолида эрини, эр фарзанд тимсолида хотинини севади; ҳар иккаласи учун шу фарзанд муҳаббатнинг ўзидир”. (Гегель)

Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, бир хил мақомга эга бўлган шахс (яъни турмушдаги аёл) бир вақтнинг ўзида икки хил лексик бирлик (аёл ва хотин) воситасида ифодаланмоқда.

Эр (ЎТЭЛ, 2000) “қадимги туркий тилда хотин билан никоҳ аҳдидаги эркак. Бу сўз дастлаб ‘эркак жинсига мансуб’ маъносини англатган сифат бўлган, от маъносини эса, кейинчалик англата бошлаган” [41].

НО'TFSIL да *эр* лексемаси қуйидагича ифодаланган [38, 28]:

1. Эркак. *Жинси – эр, миллати ўзбек.*


2. Никоҳда бўлган эркак. *Эр – хотин қўш хўкиз.*

3. Мард, жасур. *Эр йигитлар Ватанни қўриқлайди.*

Эркак (ЎТЭЛ, 2000) қадимги туркий тилда эр жинсига мансуб киши маъносини англатган “эр” сўзидан – “как” қўшимчаси билан ясалган бўлиб, асли сифат маъносини англатган, от маъноси кейинчалик юзага келган: эр+как=эркак [41].


НО’ТФСIL да эркак – жинсий жиҳатдан хотин кишига зид бўлган одам. Масалан : *Эркак бор уйда, файз бошқача бўлади* [38, 57].

Таҳлил натижалари қуйидаги хулосага келишимизга имкон беради, яъни:



Никоҳдаги эркак —————→ ЭР

Эркак жинсига мансуб шахс —————→ ЭРКАК каби ҳолатларни таҳлил қилгандан сўнг, ўз-ўзидан савол туғилади, яъни *аёл* лексемаси-чи? Эркак жинсига зид шахс маъносидаги *хотин* лексемасини *аёл* лексемасига тўлалигича алмаштириш мумкин эмасми, яъни:



АЁЛ лексемасига тўхталадиган бўлсак, бу лексема НО’ТФСILда қуйидагича ифодаланган [38, 24]:

1. Хотин киши.

2. Эрга теккан хотин, рафиқа. Масалан: *Аёлингиз қаерда ишлайди?*

Лекин ушбу лексема расмий мурожаатда (ва айрим ўқимишли, зиёлилар томонидан) қўлланилишини ҳисобга олмаганда, кундалик ҳаётимизда тўлалигича акс этмаган (Аммо, баъзи бир жойларда бунинг аксини кўриш мумкин. Самарқанд вилоятининг баъзи бир туманларида

кундалик ҳаётда *аёл* лексемаси кенг қўлланилади). Шунингдек, расмиятчилик нуқтаи назаридан ҳужжатлар ва шахсиятни тасдиқловчи гувоҳномаларда эркаклар жинсига нисбатан *эркак*, аёлларга нисбатан эса *хотин* эмас, албатта *аёл* деб ёзилади.

Таҳлилларимиз *хотиннинг* “турмуш йўлдоши” сифатидаги мақомини, *аёлнинг* эса “жамият аъзоси” мақомини тасдиқлайди. Худди рус тилидаги “жена” – “женщина”, инглиз тилида “wife” – “woman” каби.

Қиз лексемасига тўхталадиган бўлсак, НО’ТFSILда *қиз* лексемаси қуйидаги тушунчаларни ифодалайди:

1. Балоғат ёшига етмаган аёл (эътибор беринг хотин эмас).
Эшикдан ёш қиз кириб келди.

2. Аёл жинсига мансуб фарзанд. *5та қизни боқмок.*

3. Балоғат ёшига етган, бироқ турмушга чиқарилмаган маъсума, бокира қиз.

18 ёшли қиз [38, 193].


Шу луғатда *ўғил* лексемаси эса қуйидагича берилган.

Ўғил:

1. Эр жинсидаги (**бола**). *Ўғил ва қиз болалар.*

2. Шу жинсдаги фарзанд. *Икки ўғил ва бир қизнинг отаси* [38, 315].

Балоғат ёшига етганда эса, *ўғил* лексемаси *йигит* лексемасига алмашади. Юқоридаги лексемаларни қуйидагича келтириш мумкин, яъни:



ЙИГИТ —————> Балоғатга етган ўғил.

Шундай қилиб, *қиз* лексемаси остида бир қанча тушунчалар бор, лекин *ўғил* лексемаси билан *йигит* лексемаси ўзининг маъно-моҳиятига эга эканлиги, алоҳида тушунча сифатида ифодаланишини кўришимиз мумкин.

НО'TFSIL да *йигит* лексемаси «жасур одам, ҳақиқий эр киши, мард» [38, 294] каби сифатларни англатган ҳолда қўлланиши ҳолатлари кузатилди. Шу луғатда *эр* лексемаси ҳам, *эркак* лексемаси ҳам, ўзида ижобий хусусиятларни бириктирадиган сифат ўрнида қўлланилади [38, 57]. Аммо на *аёл*, на *хотин* ва на *қиз* лексемаларининг ижобий хусусиятлари берилмаган (яъни сифат ўрнида қўллана олмайди). Бу ҳолат ҳам андроцентризмнинг яна бир белгисидир.

Юқорида қайд этилган ижтимоий методга асосланган ҳолда жамиятда *аёл* ва *эркак* лексемалари ҳақидаги тасаввурларни қуйидагича келтириш мумкин: эркак жамиятда ҳукмрон, унинг барча амаллари тўғри деб қабул қилинган, аёлнинг эса калтафаҳмлилиги нотўғри, қабул қилинмаган меъёр сифатида айбланади. Солиштиринг:

– Эркак-да, эркак!

– Аёллигига боради-да.

Шунингдек, таҳлилларимиз давомида *бола* лексемаси билан *ўғил* лексемалари орасидаги муносабатларни кўриб чиқилди.

ЎТЭЛ да *бола* лексемаси қуйидагича изоҳланган:

БОЛА қадимги туркий тилда “гўдак”, “фарзанд” [41, 57].

НО'TFSIL да БОЛА:

1. Ҳали она бағридан ажралмаган инсон, гўдак: *Болани эмизмоқ*.
2. Ҳали вояга етмаган инсон: *Кўчада юрган болалар*.
3. Фарзанд: *Ўз боласи. Қўшининг боласи* [38, 35].

Кўриниб турибдики, ҳеч бир луғатда *бола* сўзи у ёки бу даражада *ўғил* билан тенглаштирилмаган, яъни у ҳар икки жинсни англатади.

Синфга кириб боришимиз болаларни анча саросимага солиб қўйди.

Бироқ баъзи бир ҳолларда бу сўзни *ўғил*га тенглаштирилишининг гувоҳи бўламиз. «Ўзбек халқ мақоллари» нинг “Фарзанд ва фарзандсизлик” бўлимида қуйидаги мисоллар келтирилган:

Бола бўлса, шўх бўлсин,

Шўх бўлмаса, йўқ бўлсин.

Бола кўнгли – подшо [42, 272].

Худди шу мақоллар “Эрк ва эрксизлик” бўлимида қуйидагича берилган:

Йигит бўлсанг, шўх бўл.

Шўх бўлмасанг, йўқ бўл.

Йигит кўнгли подшо [42, 305].

Қуйидаги мақолда ҳам келтирилган “бола” лексик бирлиги “ўғил” лексик бирлиги билан тенглаштирилган:

Келиннинг сўзи кетмондай ботар,

Боланинг сўзи ботмондай ботар

Агар мақолни ўзгартирсак, яъни “бола” ўрнига “ўғил” ни қўлласак, қуйидаги ҳолат юзага келган бўларди:

Келиннинг сўзи кетмондай ботар,

Ўғилнинг сўзи ботмондай ботар.

“Девону луғотит турк” да берилган мақолларда *ўғлан*, *ўғил* сўзлари *бола* билан берилганини кузатиш мумкин.

Улуғ бўлгу ўғлан йа эрсиг йаган, Кичикда бўлур барча эзгу нишан – Бўладиган **бола** ёки забардаст фил, Кичиклигида барча белги-нишонлари бўлади [40, 55];

Йалингуқ ўғли йўқазур, эзгу ати қалир – Одам **боласи** ўтиб кетар, агар яхшилик қилган бўлса, яхши номи қолади [40, 55].

Демак, *бола* лексемаси аксарият ҳолларда эркак жинсига тегишли дейишимиз мумкин.

Ўғил ва қиз лексемаларига тўхталиб ўтсак. НО’ТFSIL да ўғил ва қиз лексемаларига қуйидагича изоҳ берилган, яъни:

Ўғил – эр жинсидаги (бола) [38, 315].

Қиз – аёл жинсига мансуб фарзанд [38, 193].

Эътибор берсак, ўғил лексемаси қавс ичидаги *бола* сўзи ёрдамида изоҳланаяпти, қиз эса *фарзанд* ёрдамида.

Яна бир ҳолатни тассавур қилиб кўрсак, агар ҳовлида фақат қизлар ўйнаётганини айтмоқчи бўлсак, биз “Ҳовлида болалар ўйнаяпти” эмас, балки “Ҳовлида қизлар ўйнаяпти” деган бўламиз.

Бундан ташқари, ўғил бола учун эркалаш маъносида қўлланиладиган сўз ҳам *бола* лексемаси ёрдамида қуйидагича ҳосил бўлади: бола + кай = болакай тарзида. Лекин қизлар учун эркалаш маъносида қўлланиладиган сўз ҳам бола эмас, балки *қиз* лексемаси ёрдамида ҳосил бўлади. Масалан, қизалоқ, қизча каби.

Худди шундай “Хотин супурги” ибораси ЎТИЛда “хотинак” тарзида ифодаланган, яъни бу *кичик супурги* маъносини беради [41, 85]. Луғатда “узун супурги” маъносини берадиган “эркак супурги” ибораси мавжуд бўлиб, қайсидир маънода “хотин” нинг салбий маъносини ифодалайди.

Чол ғира-ширада уйдан чиқарди. Қўлида кетмон сопидек узун сопли эркак супурги, челак. (Ўлмас Умарбеков. Дутор)

Ўзбек тили лексикографик манбаларининг гендер таҳлили лексемалар орасида эркаклик олами тасвири устун эканлигини кузатиш имконини берди.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Замонавий ижтимоий илм-фан “жинс” ва “гендер” тушунчаларини ажратади. Жинс биологик категория сифатида шахснинг анатомик-физиологик хусусиятларини белгилайди. Гендер эса ижтимоий-маданий меъёрлар таъсирида аёл ва эркаларнинг ўзига хос гендерини, яъни

уларнинг психологияси, фаолияти ва жамият томонидан бириктирилган андозаларни ўзлаштириш қонуниятлари мажмуидир. Шунга кўра, “гендер” термини жинслараро фарқни (биологик эмас) ижтимоий маданий нуқтаи назардан кўриб чиқиш эҳтиёжининг юзага келиши натижасида пайдо бўлди.

Замонавий гендер тилшунослиги у ёки бу жинс эгасининг нутқий фаолияти ва тилга таъсирини эмас, балки ҳар бир жинснинг ўзига хос гендерининг ҳосил бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши учун тилда мавжуд воситаларни тадқиқ этади.

Шахснинг жамиятда тутган ижтимоий мақоми унинг нутқий фаолиятини белгилаши мумкин ва, аксинча, аёл ва эркеклар овозларининг фарқлари демографик характер билан бирга уларнинг гендерини (ижтимоий мақоми, ижтимоий роли, шунингдек, нутқий салоҳияти) ҳам аниқлаш имконини беради.

Социолингвистик нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, аёл ва эркек орасидаги нутқий фаолиятлар фарқларини ҳар хил маданиятлар фарқи сифатида кўриш лозим.

Лексикографик манбаларни эмпирик материал сифатида гендер тадқиқотларида қўллаш, тил бирликлари ҳақида маълумотни тўлиқ тасвирлаш имконини беради, зеро уларнинг таҳлили гендернинг нафақат жамиятга хос бўлган маданий хусусиятларини, балки рўй бераётган ижтимоий-маданий ҳодисаларнинг лексикографик тажрибада шаклланиши ва ифодаланишига қандай таъсир кўрсатишини белгилайди.

Ўзбек тилида феминистик назариянинг мавзуларидан бўлмиш лисоний андроцентризм ғояси луғатлар ёрдамида аниқланди ва қуйидаги хулосаларни берди:

1. Ўзбек тили лексикографик манбаларининг тилнинг феминистик танқиди нуқтаи назаридан таҳлили *одам* лексемаси остида кўпроқ *эркак* тушунчаси англашилиши, *хотин* эса бундан мустасно

эканлигини кўрсатди. Ўзбек тилида аёлнинг ҳар бир мақоми алоҳида сўз билан номланмаган. Бизнингча, унинг “турмуш ўртоқ” каби ижтимоий мақомини – *хотин*, “жамият аъзоси” сифатидаги ижтимоий мақомини эса – *аёл* билан аниқ чегаралаш керак. Агар бу ўринда эркак кишини назарда тутган ҳолда *эр* лексемасидан фойдалансак, салбий маънони келтириб чиқариши аниқ.

2. Луғатларда *йигит* ва *эр* лексемалари «жасур одам, ҳақиқий эр киши, мард» каби ижобий сифатларни англатган ҳолда қўлланилади, лекин *хотин* ва *қиз* бундай хусусиятларга эга эмас.

3. *Бола* тушунчаси остида асосан *ўғил* назарда тутилади.

4. *Қиз* балоғат ёшига етганда, *қизлигича* қолиши, лекин *ўғил* балоғатга етганда, алоҳида *йигит* лексемасига айланиши ўзбек тилида андроцентризмнинг мавжуд эканлигини тасдиқлайди.

5. Инглиз тилида ҳар хил касбларни ифодаловчи бирликларда *эркаклик олами* устун туради, бу эса азалдан эркак учун касб, иш, аёл учун уй муҳим ва мажбурий эканлигидан дарак беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳар икки тилда оламнинг лисоний тасвири асосан “эркаклик” нуқтаи назаридан тасвирланади.

Аёл ва эркакларга хос махсус мурожаат ундалмасининг йўқлиги ҳам, гендер муаммосининг ўзбек тилшунослигида ҳали етарлича тадқиқ этилмаганлигидан далолат беради.

ИККИНЧИ БОБ
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА АЁЛ ВА ЭРКАК
КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ВА
МАҚОЛЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Гендер стереотипларининг ўзбек фразеологиясида тавсифи

А. Маматовнинг кўрсатишича: “Фразеологизмларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши, биринчидан, тарихий жараёнлар, ижтимоий муҳит, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, сиёсий-маънавий қарашлар, иккинчидан лисоний, яъни тилнинг прагматик қонун-қоидалари каби омиллар билан узвий алоқадордир” [43, 53]. Шунга кўра гендер кўрсаткичли фразеологик бирликларнинг коммуникатив-прагматик аҳамияти хусусида тўхталиб ўтамыз.

Коммуникатив тилшунослик умумлашган, чексиз имкониятларга эга бўлган фан бўлиб, унинг асосий вазифаларидан бири – коммуникатив аспектда тилнинг барча тизимларини, яъни унинг товуш системаси, грамматик тузилишини тўлақонли тасвирлашдир. Бу тасвирлаш айна пайтда прагматик ҳамдир, зеро сўзловчи, матн яратувчи субъект сифатида кутилган прагматик таъсирга эришиш (яъни тингловчи томонидан нутқий ёки бирон бир ҳаракатни келтириб чиқариш) мақсадида тингловчига оламини, предмет ва воқеа-ҳодисаларни, уларнинг моҳияти ҳамда ўзаро таъсирини англаб, идрок этаётганини етказишга ҳаракат қилади.

“Прагматик маъно фақатгина предмет ва унинг хусусиятларини тасвирлабгина қолмай, айна пайтда сўзловчининг (тингловчига қаратилган) ички ва ташқи дунёсида содир бўлаётган ҳиссиётларини, фикр-мулоҳазаларини ифодаловчи восита ҳамдир. Бошқача айтганда, прагматик маъно сўзловчининг ижтимоий ва психологик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, тингловчига нисбатан ҳиссий ва интеллектуал имкониятларини етказиб берувчи нутқ ва тил бирликлари йиғиндисидир.

Прагматик маъно доимо тингловчига қаратилган бўлиб, тингловчининг феъл-атвориға, шахсиятиға ижобий ёки салбий тарзда таъсир кўрсатади” [44, 15]. Шунга кўра А.М. Эмирова прагматик маънони – “сўзловчи-тингловчи ” муносабатлари сифатида таърифлайди.

Фразеологик бирликларнинг прагматик маъноси экспрессив, апеллятив, фатик ва эстетик компонентлар орқали намоён бўлиши мумкин. Прагматик маънонинг экспрессив компоненти сўзловчининг ҳис-туйғусини, баҳосини тасвирлашдан иборат бўлиб, луғатларда фразеологизмларнинг экспрессив компоненти **шутл, неодобр, презр, пренебр. ва ҳ.к** белгилар билан берилади. Масалан: “*old geezer* – (презр.) алжираган чол” фразеологизмлари сўзловчининг нутқ объектига нисбатан ҳурматсизлик муносабатини билдиради. Одатда бунга ўхшаш бирликлар менсимаслик оҳанги, яъни эмфатик (ифодали) урғу билан билан айтилади. Бундай нутқ айна пайтда паралингвистик воситалар – имо-ишора, мимика, кўз ҳаракати ва ҳ.к. лар ёрдамида амалга ошиши мумкин. Ўзбек фразеологик бирликларида экспрессив компонент асосан аёллар нутқида ёрқин ифодаланади: *ер юткур, балога йўлиқсин ва ҳ.к.*

Фразеологизмларнинг экспрессив компоненти апеллятив компонент билан биргаликда амалга ошади. “Апеллятив компонент тингловчига нисбатан ақлий, ҳиссий, хатти – ҳаракатли таъсир ўтказиш билан боғлиқ бўлиб, бу таъсир ҳам лингвистик, ҳам паралингвистик воситалар ёрдамида ўтказилади” [44, 17]. Масалан, тингловчи ва сўзловчи кўз ўнгида йиғлаётган, кўрқоқ, эркакларга номуносиб хатти-ҳаракатли қиёфанинг гавдаланиши, ҳар иккаласининг хаёлида *play the woman; хотинларнинг холаси, қизларнинг янгаси* фразеологик бирлигининг пайдо бўлишига туртки бўлади. Унинг нутқда қўлланилиши эса тингловчи томонидан нутқ жараёни мазмунига мос бўлган ҳиссий ва хатти-ҳаракатли муносабатни келтириб чиқариши мумкин.

Прагматик маънонинг фатик компоненти, алоқа ўрнатувчи компонент сифатида коммуникантларга уларнинг ижтимоий-психологик мақоми ҳақида маълумот бериб, улар орасидаги алоқанинг ўрнатилиши ёки тўхтатилишига сабаб бўлади. “Бу турдаги компонентлар генетик жиҳатдан Инжил ва афсонага хос матнларда учрайди ва асосан, оддий нутқ ва китобий фразеологияда намоён бўлади ҳамда маълум бир гуруҳ вакиллари нутқида қўлланилади” [44, 19]. Масалан: *the prodigal son* – ноқобил фарзанд, оқпадар [этим. библ. Luke XV, 11-12].

Ва, ниҳоят, фразеологизмлар прагматик маъносининг эстетик компоненти сўзловчиларнинг эстетик завқланишини таъминловчи компонент бўлиб, гапирувчининг тил хазинасидаги энг мазмунли, жонли тил бирликларидан танлаб, уларни ўзгартириб ёхуд бирлаштириб, тингловчида ҳам завқ туғдириш қобилиятидир. Ушбу компонент асосан сўз ўйинларида, бадиий ва шоирона нутқларда жуда ёрқин намоён бўлади.

Ушбу бобда гендер стереотипларининг ўзбек тилида қайд этилиши, аёллик ва эркакликнинг намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилади, сўнг уларнинг инглиз тили материаллари билан умумий ва фарқли томонлари қиёслаб ўрганилади. Мақсадимиз, юқорида таклиф этилган тахминларимизни тил қурилишининг луғат сатҳидаги фразеологик қатламида татбиқ этишдир.

Жинснинг ижтимоий-маданий хусусиятларининг шаклланиши, тилда у ёки бу гендер андозаларининг намоён бўлиши, ҳар бир жинсга муайян маданиятда бир қатор меъёр ва баҳолар бириктирилиши натижасидир. Бу меъёр ва баҳолар индивидуал олам тасвирини яратар экан, шахснинг оламга, табиатга, жамиятига ва ўзига бўлган муносабатга қараб шаклланади ва натижада маълум бир жамиятнинг ўзига хос олам тасвири вужудга келади.

Қуйида биз ўзбек тили вакилларида оламнинг лисоний тасвири ўзбек фразеологияси материаллари асосида намоён бўлиш жараёнини кузатамиз.

Ўзбек фразеологик бирликлари ва паремияларида гендер кўрсаткич уларнинг фақат лексик-семантик жиҳатида намоён бўлади. Бунга сабаб ўзбек тилида род грамматик категориясининг мавжуд эмаслигидир. “Туркий тилларида род грамматик категориясининг мавжуд эмаслиги табиий жинс ва род категорияси ўзаро муносабатлари муаммосини йўқотса-да, бироқ ўзбек тили аниматив семантикани узатиб бера олмаслиги учун сабаб бўла олмайди, чунки табиий жинс тушунчаси лексик ва синтактик воситалар орқали ифодаланади [26, 74]. Таҳлил манбаси сифатида Ш. Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг фразеологик луғати” (1992) хизмат қилди. Ўзбек фразеологик бирликларининг гендер нуқтаи назаридан таҳлил натижалари қуйидагиларни кўрсатди:

1. Ибораларнинг кўп қисми жинс бўйича ажратилмаган. Улар деярли шахс номинациясини кўрсатмаган ҳолда, асосан, феълли фразеологик бирликлардан ташкил топган.

2. Бирикмаларнинг кўп қисмини инсон танасига оид метафоралар ташкил қилади – *бош эгмоқ, оғзига урмоқ, оёғига йиқилмоқ*, яъни бу бирикмаларнинг ички формаси, жинсидан қатъи назар, барча шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

3. Фразеологик бирликларнинг бир қисми фақат эркакларга хосдир: ***Қариб қуюлмаган, ачиб суюлмаган.***

4. Аёлларга хос бирликлар: ***Онанинг бошига ёстиқ бўлмоқ.***

5. Экспрессив-прагматик компонент аёллар нутқида жуда ёрқин тасвирланган: ***Тилингга куйдирги чиққур.***

6. Ҳар икки жинсга тегишли бўлган фразеологик бирликлар: ***Балозатга етмоқ, дон олишмоқ, муҳаббат қўймоқ, кўнгил қўймоқ.***

7. Аёлларга хос фаолият билан боғлиқ бўлишига қарамасдан эркакларга нисбатан қўлланилиши: *Хотинларнинг холаси, қизларнинг янгаси.* Ушбу мисолга эътибор берадиган бўлсак, эркакларни тасвирлашда аёллик стереотиплардан фойдаланиш орқали эркакларнинг салбий хусусияти ифодаланаяпти. Умуман, аёлларга хос салбий тасвир тўғрисидаги масала мунозарали бўлиб, уларни эркаклар тасвири билан қиёслаганда сезиларли номутаносиблик кўринмайди. Булар қуйидаги ҳолатларда намоён бўлди:

1. Аёлларга хос бўлган гўзаллик, ифбат, поклик: *Бир қошиқ сув билан ютиб юборгудай; зеб бермоқ; ой десам оғзи бор, кун десам кўзи бор.*

2. Аёлларни репродуктив вазифаси кўп миқдордаги бирликларда акс этган: *вақт-соати етибди; кўзи ёриди; бола кўрмоқ; ой кунни яқин.*

3. Аёллар кўнглини овлашдаги саъй-ҳаракатлар: *кўнглини овламоқ; ошиқи беқарор бўлмоқ.*

4. Аёлларга нисбатан қўлланилиб, эркакларнинг хислати билан тенглаша олиши ифодаланади: *Қирқ йигитга бош бўладиган.*

Инсон лисоний манзарада, аввало, ҳаракатланувчи шахс сифатида гавдаланади. У ҳар хил фаолиятларни бажаради: жисмоний, ақлий, нутқий. Ушбу ҳаракатлар эса инсонга хос маълум бир хусусиятлар – хоҳиш-истак, ҳиссиёт, фикрлаш, руҳий кечинмалар, физиологик, нутқий ҳолат ва ҳ.к. лар ёрдамида амалга ошади.

Юқорида зикр этилган ҳолатлар ва хусусиятларнинг қай бири эркакларга ва қай бири кўпроқ аёлларга хослигини кўриб чиқамиз.

1. Нутқий ҳолатга тегишли маслаҳат бериш, арз қилиш, мақташ, қарғаш каби хусусиятлар ўзбек фразеологиясида айнан аёллар нутқида хос эканлиги равшан ифодаланган.

Мақташ: *жонимни қоқай.*

Қарғаш: *ер юткур, афтини ел ёпсин.*

Қўрқув: *вой, ўлмасам.*

2. Аёллар баъзан эрини ўз измига юрадиган, итоаткор қилиб олиши мумкин: *Бурнидан ип ўтказиб олмоқ.*

3. Аёлнинг ўзлаштириш мумкин бўлган ёки хоҳлаганда воз кечса бўладиган нарсаси сифатида тасвирланиши: *Танингизни бағишладингизми?; паттасини қўлига бермоқ; жавобини бермоқ; бошини боғламоқ.*

4. Аёлларнинг ёшига берилган салбий баҳо: *Ўттизга кирибоқ ўтин бўлмоқ.*

5. Аёллар номинацияси: *ўтин, ола хуржун, эгов, қари қиз, носқовоқ; Отанг ким – ош қовоқ, онанг ким – носқовоқ.*

6. Эркакларга нисбатан салбий номинация: *хотинларнинг холаси, қизларнинг янгаси; қариб қуюлмаган, ачиб суюлмаган; аммамнинг бузоғи.*

7. “Ота”, “она” компонентли фразеологик birlikлар кўпчиликти ташкил этди: *отанг яхши, онанг яхши деб.*

8. Эркакларга хос бўлган, тез-тез учрайдиган культурема сифатидаги номинациялар: *дўппи, белбоғ, яхтак, соқол* кабилар.

9. Эркакларнинг мардлиги, ғурурини ифодаловчи фразеологик birlikлар: *ўғил бола, ҳақиқий эркак.*

Умуман, кузатилган фразеологик birlikлар луғатида гендер аспектининг таҳлили етарлича маълумот бермади. Бу ҳолатни таркибини асосан шахсни эмас, иш-ҳаракатни тасвирловчи фразеологик birlikлар ташкил этиши билан боғлаш мумкин.

2.2. Ўзбек мақолларининг гендер таҳлили

Ушбу бобда ўзбек халқ мақоллари мисолида аёл ва эркак концептларини халқ донолиги ва тил маданияти доирасидаги ижтимоий мақомини таҳлил этишни ўз олдимишга мақсад қилиб олдик. Фольклорга мурожаат этиш, уни маданият йўналиши сифатида тан олиш, халқ

руҳияти ва фалсафасини ўзида мужассамлаштирган, ҳақиқат ва инсон ҳақидаги тушунчаларнинг энг бой манбаси эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

Фольклор тадқиқотчиси В.П. Аникиннинг ёзишича: “Тарихчи мақол ва маталлардан узоқ ўтмиш ва қадимги муҳим воқеаларни ўрганади, ҳуқуқшунос мақол ва маталларни жамият ҳаётида одат тусига кирган қонунлар сифатида қадрлайди, этнограф халқ ҳикматлари ва образли характерларда йўқ бўлиб кетаётган урф-одатлар ва меъёрларни кўради. Файласуф эса мақол ва маталларда халқ тафаккурини ўрганишга ҳаракат қилади” [45, 7]. В.П. Аникиннинг ушбу фикрларига тўлақонли қўшилиб, шуни айтиш мумкинки, тилшунос бошқа тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ тил тадқиқотчиси сифатида юқорида айтиб ўтилган барча жабҳаларни тилда намоён бўлишини тадқиқ этиш имкониятига эга.

Тадқиқот учун 2003 йилда чоп этилган «Ўзбек халқ мақоллари» номли академик нашрга мурожаат этдик. Луғатнинг халқ мақолларини тўплаш ва ўрганишдаги катта тажриба асосида пайдо бўлганлиги уни танлаш имконини берди. Ушбу луғат тематик жиҳатдан ажратилган 10000га яқин мақолларни ўз ичига олади. Мақол ва маталларда акс эттирилган халқ донишмандлиги нафақат маданий тарихий ҳақиқат сифатида, балки нутқда қўлланиладиган иборалар сифатида ҳам фаолдир. Маълумки, халқ оғзаки ижоди муайян ижтимоий шароитларда ахлоқий ва руҳий нуқтаи назардан инсон ҳақидаги лингвистик ахборотларга эга бўлган манбадир. Асрлар давомида билим ва тарбия жараёни гендер тадқиқотларининг асоси сифатида тилнинг фразеологик қатлами орқали кундалик турмушда аёллик ва эркакликнинг яширин жиҳатларини кўриш имконини беради.

Тадқиқотимиз вазифаси аёл ва эркак оламларини тасвирловчи тил воситаларининг маъно-моҳиятини аниқлашдан иборат экан, ифода плани

гендер кўрсаткичларга эга бўлган мақоллар *эркаклар* ва *аёллар* мавзуси бўйича тематик принцип асосида танланди ва тасниф қилинди.

Бир қатор мақолларнинг семантик жиҳатдан кўп қирралилиги қийинчилик туғдирди. Уларнинг у ёки бу гуруҳга тааллуқлилиги лексик жиҳатдан эмас, балки семантик жиҳатдан аниқланди. Масалан:

Йўлда юрсанг, туя ишлат,

Элда юрсанг – мия.

Ушбу мақолни қандай тематик гуруҳга мансуб эканлигини аниқлаш қийин. Бунга ўхшаш мақолларнинг маъноси умумлашган характерга эга бўлиб, асосий ўринни эркак ёки аёл жинсига мансублилик эмас, балки шахснинг жамиятдаги ролини ифодалайди. Кўп ҳолларда бу турдаги мақолларда андроцентризм муҳим ҳисобланади, яъни эркак киши назарда тутилади.

Мақолларни ўрганиш ва таснифлаш давомида маънодош бўлмаган тасниф муаммосига ҳам дуч келдик. Масалан: *Хотини ўлган, қизли овулга қараб йиғлар* мақолида эркак жинсини кўрсатувчи лексик бирлик мавжуд эмас, чунки унда *қиз* ва *аёл* сўзлари қўлланилган. Лекин семантик жиҳатдан гап эркак ҳақида кетаётганлигини англаш мумкин. Бу мақоллар эркакларга тааллуқлилиги англаган ҳолда уларни *эркаклар* гуруҳига киритиш мумкин.

Қуйидаги мақолларни эса семантик жиҳатдан *она* гуруҳига киритдик:

Қизил тилим тиёлмадим,

Қизимникига боролмадим.

Шу тариқа барча мақоллар икки катта гуруҳга: эркак ва аёл оламларини тасвирловчи гуруҳларга бўлинади. Улар таркибидаги мақоллар эса янада кичикроқ бўлган тематик гуруҳларга бўлинади.

1. Эркак ва аёлнинг ижтимоий мақоми.

2. Оилавий муносабатлар, шунингдек, оила ва эр-хотин роллари ҳақидаги қарашлар.

3. Қариндошлик муносабатлари (ота-она, амаки, тоға ва ҳ.к. қариндошларнинг ўзаро муносабатлари).

“Ўзбек халқ мақоллари” луғатига киритилган 10000та мақол ва маталлардан 423таси “эркак” тушунчаси билан боғлиқлиги аниқланди. Уларда эркакларнинг жинсий идентификациясини ифодаловчи лексемалар 501 тани ташкил этди. Улар қуйидагилар:

лексик бирлик	Сони	лексик бирлик	Сони
Эр	220	Оға	5
Йигит	110	Ини	2
Ўғил	93	Қайни	2
Эр йигит	23	Қайноға	1
Куёв	15	Ичкуёв	1
Оға-ини	8	Қайнота	1
Эркак	7	Ака	1
Божа	5	Ука	1
Тоға	5	Ака-ука	1

Жадвал “эркак” сўзи билан боғлиқ лексик бирликлардан “эр”, “йигит”, “ўғил” семалари бошқа қариндош-уруғчилик муносабатларини билдирувчи семаларга нисбатан кўпроқ қўлланилишини кўрсатади.

Кўп мақолларда эркакларнинг характерли жиҳатлари антоним сифатлар орқали акс эттирилиб, шахснинг баҳолаш характеристикаси ошади ва ижобий маъно кучайтириб берилади. Натижада эркакнинг ижобий идентификацияси устунлик қилади:

Марднинг қўли боқади,

Номард қўли ёқада;

Мард йигит изини сотар,

Номард йигит – ўзини.

Аёлларга хос мақоллар сони 418 тани ташкил этди (эркакларни тасвирловчи мақоллар сонига қараганда камроқ).

Статистик кузатувлар натижаси шуни кўрсатдики, аёлларни асосан оилавий муносабатларда ифодаловчи лексемалардан *хотин*, *қиз*, *келин*, *қайнона* кўп қўлланилади. Баъзи ҳолларда аёлларнинг “*сумбул*”, “*санам*”, “*ёр*” каби от ва сифатлар билан ифодаланган вариантлари ҳам учрайди. Аммо улар эркаклар гуруҳига қараганда бирламчи характерга эга:

Сумбул тақимда,

Йигит кўзи унда.

“Эл” лексик бирлигининг қўлланилиши хусусида ҳам қизиқарли маълумот олдик. “Эл” лексемаси иштирок этган 60та мақолдан 56таси семантик жиҳатдан фақат эркаклар билан боғлиқ. Масалан:

Эл бўлмаса эр бўлмас;

Эл суйгани – эр суйгани;

Эрнинг сўзи – элнинг сўзи.

Аёлларга оид гуруҳда эса “эл” лексик бирлиги билан боғлиқ тўртта ҳол қайд этилди. Аммо уларда ҳам андроцентризм устунлик қилаётганини кузатиш мумкин:

Эринг суйди – элинг суйди;

Эрингга ёқдинг – элингга ёқдинг;

Эр севмаса – эл севмас.

Аёлларга тегишли тўртта мақолдан фақат биттасида ижобий характеристика учради:

Гул ўсса – ернинг кўрки,

Қиз ўсса – элнинг кўрки.

Гендер муаммосини аниқлашда метафора билан ифодаланган лексеманинг қўлланилиши катта аҳамиятга эга. Масалан, “шер” от сўз туркуми мақолларда эркакларни тасвирлашда тез-тез учрайди. Яширинча шерга қиёслаш зийраклик, олийжаноблик, ботирлик рамзларини

билдирибгина қолмай, шу билан бирга эркакларга хос хусусиятларни ифодалайди:

*Йигит деган эр бўлар,
Меҳнат кўрса, шер бўлар;
Эрга навбат – шерга навбат;
Ўттизида эр атанган,
Қирқида шер атанар.*

Юқорида келтирилган бирликларнинг ҳар бири ўзининг аниқ маъносига эга бўлган ҳолда эркакларга хос характерни ифодалайди. Гарчи ижобий гуруҳдаги лексик бирликлар умуминсоний хислатларни ёритиб берса-да, бу лексемалар эркакларга тегишли эканлигини англатади. Салбий баҳолашда ҳам шу тенденция кузатилади. Айни пайтда том маънода қўлланилган сўз бирикмалари ҳам мавжуд.

Эркакларнинг қиёсий характеристикаси “қора ер”(5) лексемаси орқали ифодаланган:

*Тиришган – эр,
Тиришмаган – қора ер;
Эр бўл, эр бўлмасанг,
Қора ер бўл.*

Баъзи бир мақолларда эркаклар идентификацияси “тентак”, “аҳмоқ” лексик бирликлари орқали ифодаланганлигига қарамасдан уларда андроцентризм намоён бўлганлигини кузатиш мумкин:

*Ақлли отини мақтар,
Аҳмоқ – хотинини;
Аҳмоқ ўзини мақтар,
Тентак қизини.*

Гарчи бу мисолда “аёл” лексемаси билан боғлиқ бўлган бирликлар кўрсатилган бўлса-да, мулоҳаза объекти “эр” ҳисобланади.

Бу турдаги мақолларни қуйидаги мақоллар билан изоҳласа бўлади:

Эр-хотин – қўш ҳўкиз;

Эр-хотин – қўш қанот.

Бир қатор мақоллар оилавий муаммолар, эр ва хотиннинг фазилатлари ва бир-бирининг қариндошларига бўлган муносабатларни намоён этади. Бу борада “куёв” ва “ичкуёв” лексик бирликлари қуйидагича баҳоланадилар:

Ичкуёвдан ит афзал;

Келин қиз бўлмас,

Куёв – ўғил.

ёки

Куёвнинг хўрдасидан ўғилнинг ювиндисси яхши;

Куёвникида қўйруқ егандан,

Ўғилникида юмруқ е.

Ижобий баҳо фақатгина бир ҳолатда кузатилди:

Кузги қатик куёвга бергисиз.

Албатта, ўзбек халқининг миллий онгида оилавий ва қариндош-уруғчилик муносабатлари мустаҳкамдир ва бу жиҳат мақолларда ҳам ўз аксини топган. Лекин кузатувлар давомида бирламчи маънога эга бўлмаган мақоллар топилди, яъни ижобий баҳо кўп ҳолларда она томонидаги қариндошлар билан мослашади. Сўз ота томондаги қариндошлар ҳақида борганда, кўпинча салбий ассоциация пайдо бўлади. Мақолларда “тоға” сўзи беш марта учраган, “амаки” сўзи эса умуман учрамади:

Бир тоға етти ота ўрнига ўтар;

Отангни соғинсанг тоғангни кўр.

Мақол мазмунида қариндош сифатида тоғанинг яқинлиги ва жавобгарлик хислати кўриниб туради. Холанинг роли ҳам шундай эътироф этилади. Бироқ “амма” лексик бирлиги мақолларда салбий характерга эга:

Минг игнани йигнасанг, тугма бўлмас,

Минг аммани йигнасанг, она бўлмас;

Текин томоқ-одамнинг тузоғи,

Едириб айтади: аммамнинг бузоғи.

“Бир сўзлилиқ” кўп жиҳатдан фақат эркаларга тегишлидир

Йигит сўзи – битта;

Йигит сўздан, қўй бўғздан.

Мақолларда аёлларга нисбатан қўлланилган сифатларни таҳлил этиш давомида уларга берилган салбий баҳо ижобий баҳога нисбатан кўп миқдорни ташкил этади:

АЁЛ

Ижобий баҳо	Салбий баҳо
Санам, саришта, фаришта, ғайратли, ҳаёли, тамизли, номусли, аҳил, султон, гул, ювош, бўй қиз, вазир, одобли, уй чироғи, уй зийнати, уй безакчиси, олтин, эпчил, олтин бошли, эпли, чиройли, ақлли.	Қинғир оғиз, етим, бева, қози, қари, тул, хўра, туядай, кал, чўри, ўғри, сепсиз, эрка, аҳмоқ, юзсиз, тузсиз, қилиғи бузук, уришқоқ, бало, умарончи, эровул, танноз, ғар, олифта, ултон, бошвоқсиз, ичи тор, тулки, ялқов, қарқара, масхара, тасқара, қалмоқдан қаттиқ, ажин, астар, эгов, қақилдоғ, зўри, заҳар, супурги, жафо, эринчоқ, эпсиз, қирғиз қовоқли, қарчиғай қанотли, сўқир, бермас, эрка, ақлсиз, палахмон тоши, қаллоч.

Кўп ҳолларда “хотин” лексемаси “ўтин” сўзи билан (12та), “қиз” эса “қимиз” билан (6та) қофияланиб бирга келади. Бу лексик бирликлар қиёслаш учун бир-бирига қарама-қарши қўйилишига қарамасдан, улар маъно жиҳатдан бир бирига тенглаштирилади, деган фикр туғилади:

Аёлнинг ўттизга киргани –

Ўтин бўлгани;

Эрнинг вазири – хотин,

Рўзгор оғири – ўтин;

Қари бўлса ҳам қиз яхши,

Ачиган бўлса ҳам қимиз;

Нозсиз хотин, ёлқинсиз ўтин.

Кал (4), *қари* (10), *бева* (3) лексик бирликлари ҳам аёлларга нисбатан кўп ҳолларда салбий тавсифни ифодалаш мақсадида қўлланилган:

*Ҳамма ҳамма билан,
Кал қиз ойна билан;
Қари қиз қози бўлар,
Сари итга рози бўлар;*

Тул хотиннинг бошига турна тезаклар.

“Ўтирган қиз” (4) лексик бирлиги эса халқ орасида ижобий баҳоланади.

*Ўтирган қиз уй топар;
Ўтир қизим, ўрин топ;
Пиш қозоним беш ой,
Ўтир қизим олти ой.*

Аёллар феъл-атвори ифодаланган мақолларни таҳлил қилиш давомида, унинг асосан қуйидаги инсоний хусусиятларига салбий баҳо берилаётганлиги кузатилди:

1. Мижғовлик:

*Элакка борган аёлнинг
Элик оғиз гапи бор.*

2. Айёрлик:

*Бир хотиннинг хийласи
Қирқ эшакка юк бўлар.*

3. Аёлда ақл-идрокнинг йўқлиги ёки етишмаслиги:

*Хайт деса ит югурар,
Итдан аввал – қиз*

4. Аёллардан чиқувчи хавф-хатар:

*Болага тегма, балоси чиқар,
Хотинга тегма, қасоси чиқар;*

5. Аёл оила, уй, турмушнинг бузғунчиси сифатида:

Ёмон арава йўл бузар,

Ёмон хотин - уй.

6. Эр томонидаги қариндошларга нисбатан бефарқлик:

Хотин сўзини қондирар,

Эр уруғидан тондирар;

Келса хотин уруғи

Топилади йўриғи,

Келса эрнинг уруғи,

Бўлар юрак буруғи.

Аёлларнинг ижобий ва нейтрал хусусиятларини ифода этувчи мақоллар қуйидаги семантик гуруҳларда ёрқин ифодаланади.

1. Ақл-идрок:

Аёлнинг ҳусни пардозда эмас, ақлида;

Ақли қизни йиғлатиш ҳам қийин, қулдириш ҳам;

Ўғлинг аҳмоқ бўлса ҳам,

Келининг доно бўлсин.

2. Гўзаллик:

Ерга рош ярашар,

Қизга – қош.

3. Аёл умрининг охиригача турмуш ўртоғининг барча муҳим кунларида ҳамроҳи ва маслаҳатчисига айланади:

Хотин – эрнинг вазири;

Хотин – бўйин, эр - бош.

4. Уй бекаси сифатида:

Яхши тўн – тўй савлати,

Яхши хотин - уй зийнати;

Хотинли рўзгор гулдир,

Хотинсиз рўзгор чўлдир;

Хотинсиз уйни кўр - қаро ерни кўр.

“Келин” лексемасига фақат хасислик, ўғрилиқ, жанжалкашлиқ, очкўзлик каби салбий баҳолар берилади:

***Қайнаники – ўртада,
Келинники – халтада;
Келишмаганнинг келини – ўғри;
Емайман деган келин,
Енгдек ҳасипни ер;
Емайман деган келин,
Рапида билан рапчани ер.***

“Келин” лексемасига нисбатан ҳам кўпол маънога эга бўлган лексик бирликларнинг қўлланиши аёлнинг жинсий идентификациясини салбий нуқтаи назардан ифодалайди:

***Келин – қайнона супургиси;
Келинимнинг йиғлагани –
Эшагимнинг ҳанграгани;
Қиз чоғим – султон,
Келин чоғим – ултон.***

Демак, *куёв* ва *келин* тушунчалари бир хил ижтимоий мақомга эга бўлган сўзлар сифатида намоён бўлади. Куёв қизнинг оиласида ва қиз куёвнинг оиласида, ҳаттоки улар никоҳдан олдин қариндош бўлган бўлсалар ҳам, бир хил “бегона” ва “четдан келган” деб қабул қилинади.

Мақолларда асосан эркаклик дунёсининг тасвири ва унда эркак ҳукмронлигини (андроцентризмни) акс эттирувчи лексик бирликлар қуйидаги семантик гуруҳларда ўз аксини топган:

1. Аёлларга нисбатан зўравонлик:

***Эрдан- хато, хотиндан – узр,
Хотиндан хато – эрдан жазо;
Қудали хотин қуйруқ ер.***

*Эрли хотин – калтак;
Яхши ерга берсанг қизни,
Силай-силай султон қилар,
Ёмон ерга берсанг қизни,
Ура-ура ултон қилар.*

2. Аёлларни кимнингдир ихтиёрига боғлиқлиги:

*Қиз бола – бировнинг хасми;
Қиз бола – палахмон тоши,
Отилдими, қайтиб келмас;
Аёл деган палахмон тоши,
Қаерга отса, шу ерга тушар.*

3. Туғилганда қиз эмас, ўғилга эга бўлиш истаги:

*Хотиним қиз туғди деб ўпкалама,
Шернинг эркак - ургочиси баробар;
Қиз туққанга муз туғар,
Ўғил туққанга кун туғар.*

4. Аёлларга нисбатан эркакларда танлаш ҳуқуқининг кўплиги:

*Хотинни танлаб ол,
Гулни – ҳидлаб;
Тандир олсанг, қоқиб ол,
Хотин олсанг, боқиб ол.*

5. Хотиннинг эрига боғлиқлиги:

*Эрда бўлса йўргалайди хотин,
Эрда бўлмаса нима қилади хотин.*

6. Ёшига қараб аёл ва эркакларга баҳо бериш. Солиштиринг:

<i>Ўттизида эр атанган,</i>	<i>Аёлнинг ўттизга киргани-</i>
<i>Қирқида шер атанар</i>	<i>Ўтин бўлгани</i>

Эътибор берадиган бўлсак, эркак – шер орқали, аёл – ўтин орқали метафоризацияга учраяпти.

“Ота” ва “она” тушунчаси билан боғлиқ лексик майдоннинг таҳлили шуни кўрсатдики, “ота” тушунчаси билан боғлиқ мақоллар “она”га нисбатан кўпчиликни ташкил этди, яъни 129:83. “Ота” ва “она” сўзларининг қўлланилиш миқдори нисбати 37:19. Ҳар икки тушунча ҳам акс этган мақоллар 47тани ташкил этди. Масалан:

Оталар сўзи – ақлнинг кўзи, Оналар сўзи – бахтнинг ўзи каби.

Она – эзгулик тимсоли. У ҳимоя қилади, авайлайди. Лекин баъзи ҳолларда андроцентризмнинг қуйидаги белгиларини ҳам кузатиш мумкин.

1. Ота оила бошлиғи сифатида намоён бўлади ва ҳал қилувчи яқуний сўз фақат унга тегишлидир:

Ҳар ким ҳар нима дейди,

Қиз отаси бир нима дейди;

Ота сўзи – ничоқ,

Она сўзи – қумалоқ.

2. Онанинг отага нисбатан баҳоси:

Отасини сўрасанг – Аҳмади фориз,

Онасини сўрасанг – товони ёриқ;

Фарзанд боққан ота,

Жонни қоққан она.

3. Она ва ўғилнинг ўзаро муносабати:

Ўғлимнинг илиқ ошидан,

Эримнинг урган тоши яхши;

Эримнинг топганини ўйнаб ейман,

Ўғлимнинг топганини ўйлаб ейман.

“Она” тимсоли ижобий характерланади. Отага нисбатан она билан қолиш афзаллиги 5та ҳолатда учради:

Отангнинг чорвоғида қолгунча,

Онангнинг уймоғида қол;

Ота билан қолган – шум етим,

Она билан қолган – гул етим.

Ота-онанинг бола тарбиясидаги роли бир хил тақсимланган. Онанинг ўрни:

Эрка тутса онаси,

Талтаяди боласи.

Тўғри тутса онаси,

Юртга эга боласи.

Отанинг ўрни:

Қўзи қўчқордан нишон,

Ўғил отадан;

Ота ғайратли бўлса,

Бола ибратли бўлар.

Мақолларнинг таҳлилига яқун ясаган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, уларда гендер аспекти андроцентристик тасвирланган ва шу билан бирга қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуд. Ижтимоий конструктивизм назариясига асосланадиган бўлсак, гендер муносабатлар жамият томонидан қуриладиган конструкт сифатида намоён бўлади. Ижтимоий муносабатларнинг шаклланишида эса диннинг ўрни беқиёсдир. Тарих: “Барча динлар аёлларга нисбатан адолатсиздир”, - дейди. Лекин ислом дини бундан мустаснодир. “Тарихда аёлга табиий ҳаққини ва ҳурриятини берган, илк дафъа аёлнинг мавқеини юксалтирган ислом дини бўлган... . Эркак ҳам ўзи ноҳақ ишғол қилиб турган азаматли мавқеидан туша-туша, охирида аёл билан эркак тенглик ва адолат майдонида кўришишди. Ҳар икки томоннинг ҳам ҳақлари ҳимоя қилинди” [13, 44]. Демак, гендер тенглик шак-шубҳасиз тилда ўз таъсирини ва ифодасини топиши керак.

2.3. Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологик бирликлари ва мақолларининг концептуал гендер таҳлили

Инглиз фразеологик бирликларида гендер кўрсаткич фақат лексик-семантик жиҳатдан намоён бўлади, буни инглиз тилида род грамматик категориясининг йўқлиги сабабли аниқ бўлган род фарқларининг мавжуд эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Гендер кўрсаткичлар сифатида аёл ва эркак жинсини ифодаловчи лексемалар ёки фразеологик бирликлар семантикасида мавжуд бўлган маъноли компонентлар намоён бўлади.

“Род грамматик категориясига эга бўлмаган тилларда табиий жинс тил тизимида грамматик ифодага эга эмас ва асосан лексик семантика орқали ифодаланади” [26,74]. Бундан келиб чиқиб, тадқиқ этилаётган тил манбаларининг ифода ва мазмун плани гендер кўрсаткичга эга бўлиши керак [46, 151].

Инглиз тилида грамматик роднинг мавжуд эмаслигини ҳисобга олганда, фразеологик бирликларнинг ифода жиҳатидаги гендер кўрсаткич муҳим ҳисобланади. И.В. Зыкова ифода жиҳатининг лексемалари мажмуини қуйидаги уч асосий гуруҳга ажратади:

- 1) антропометрик лексемалар;
- 2) қариндошлик муносабатларини ифодаловчи лексемалар;
- 3) антропонимик лексемалар.

“Антропометрик лексемалар А.В. Силинскийнинг “Речевая вариативность” (1995) монографиясида тилга олинади ва унинг остида шахсларнинг жинси ва ёшига қараб номловчи отлар назарда тутилади” [46, 152]. И. Зыкова фикрига кўра, girl – boy, lady – gentleman, Miss – Mrs – Mr ва ҳ.к сўзлар антропометрик лексемалар гуруҳига кириб, бу гуруҳга кирувчи сўзларнинг асосий қисмини жуфт сўзлар, яъни маскулин род сўзлари ва улардан ясалган феминин род сўзлари ташкил этади, масалан: prince – princess; duke – duchess ва ҳ.к. Суплетив шаклланган гендерли

жуфт сўзлар нисбатан камчиликни ташкил этади: boy – girl, gentleman – lady каби.

Оила ва қариндошлик муносабатлирини ифодаловчи гендер кўрсаткичли лексемаларнинг барчасини супплетив шаклланган оппозицион жуфтликлар ташкил қилади: mother – father, daughter – son, aunt – uncle кабилар.

Гендерли антропонимларнинг вужудга келиши қуйидагича изоҳланади:

1) Коммуникатив жараёнлар натижасида ҳосил бўлган антропонимлар Tom, Dick and Harry – ҳар ким, ҳамма, биринчи учраган, оддий одам.

2) Ижтимоий ҳаётнинг ҳар хил соҳасида машҳур шахсларнинг тарихий фаолияти билан боғлиқ бўлган антропонимлар [46, 153].

Тадқиқотимиз учун асосий манба бўлиб А.В. Куниннинг “Англо-русский фразеологический словарь” (1984) ва Oxford Concise Dictionary of Proverbs (2003) луғатлари хизмат қилди. Ушбу луғатлардан яхлит танлаб олиш методига асосан мингга яқин фразеологик бирлик танлаб олинди. Танлов мезони сифатида фразеологизмларнинг формал-семантик жиҳати хизмат қилди, бошқача қилиб айтганда, ифода ва мазмун планида гендер кўрсаткичларни қамраб олган фразеологизмлар танлаб олинди. Масалан:

The man is as old as he feels, the woman as she looks – эркак кишининг ёши ўзини қандай ҳис этишига қараб аниқланади, аёлники эса кўринишига қараб.

Олиб борган таҳлилларимиз давомида инглиз тилида гендерлик аспекти фразеологизмларнинг асосан мазмун планида ёрқин ифодаланиши аниқланди. Масалан, А.В. Куниннинг “Англо-русский фразеологический словарь” луғатида 25000га яқин фразеологизмлардан 331таси аёллик тушунчаси билан боғлиқлиги аниқланди.

Ушбу луғатда эркаклик олами тасвирини ифодаловчи фразеологизмлар 292тани ташкил этди. Уларда гендер компонентига эга бўлган сўзларнинг такрорланиш частотаси куйидагича:

Oxford Concise Dictionary of Proverbs (2003) луғатида 2100га яқин мақоллардан 135таси аёллик ва эркаклик олами билан боғлиқ мақоллар бўлиб, уларда гендер кўрсаткичга эга бўлган сўзларнинг ифода планида такрорланиш частотаси куйидаги жадвалда келтирилади:

Woman	8	Aunt	0	Father	8	Son	5
Girl	0	Grandmother	1	Husband	2	Guy	0
Lady	4	Sister	0	Boy	8	Man	9
daughter	4	Wife	6	Uncle	0		

Шунингдек, жинс номинацияси метафора орқали ифодаланган фразеологизмлар ҳам танлаб олинди: *there's many a good tune played on an old fiddle* – эски **скрипкада** кўплаб яхши куйларни чалиш мумкин (ишқ-муҳаббати қайнаб турган ёш бўлмаган **аёл** ҳақида).

Тадқиқотимизда инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизмлари ва паремиялари куйидаги семантик жиҳатдан ажратилган концептуал қатламларда таҳлил этилди: **эркак ва аёлларнинг ижтимоий хусусиятларини (ижтимоий мақоми, ижтимоий фаолияти) ифодаловчи концептуал қатлам, аёл ва эркакларнинг психологик хусусиятларини (фёъл-атвори, хулқи) ифодаловчи концептуал қатлам, аёл ва эркакларнинг физиологик хусусиятларини (ташқи кўриниш) ифодаловчи концептуал қатлам.**

2.3.1 Аёл ва эркакларнинг ижтимоий ва физиологик

хусусиятларини акс эттирувчи концептуал қатламлар

Инсоннинг ижтимоий мақоми унинг демографик белгилари билан биргаликда жамиятда тутган ўрни билан ҳам белгиланади, яъни

иерархик дунёда шахсининг ижтимоий фаолияти, оилавий ва ижтимоий мақоми каби белгиларнинг ўзаро муносабатлари кўриб чиқилди.

Эркакларнинг *ижтимоий фаолиятини* тасвирловчи фразеологик бирликларнинг таҳлил натижаси қизиқарли маълумот берди: ***brother in arms*** – «жанговор дўст»; ***gentleman at large*** – «зодагон».

Эркак мард, жасур шахс сифатида: ***a knight in shining armour*** – «рицарь, олийҳиммат инсон, олийжаноб киши»; ***a man's man*** – «мард, қўлидан ҳар иш келадиган одам».

Раҳбар шахс сифатида: ***old man*** – «хўжайин, шеф»; ***man on horseback*** – «ҳукмдор»; ***strong man*** – «якка ҳоким, ўз амрини ўтказувчи»; ***lord of creation*** – «яратувчи эркак».

Ҳуқуқшунос, сиёсатчи, маданият арбоби, шифокор ва ҳ.к. сифатида: ***gentleman of the long robe*** – «мантиялик жентльмен, юрист»; ***a butter and egg man*** – «театр сахналарини маблағ билан таъминловчи ишбилармон одам»; ***advance agent*** – «контракт тузувчи агент, вакил»; ***medicine man*** – «табиб».

Эркаклар масъулиятли лавозимларни эгаллаш билан бирга, жинойтчилик, ўғрилик, қаллоблик в.х.к. лар билан шуғулланишга мойил бўлишган ва буларнинг барчаси эркакларга хос касби-кор ҳисобланган, чунки бунинг учун ҳам маълум даражада ақл керак бўлган: ***a confidence man*** – товламачи, фирибгар; ***a broken man*** – қонундан ташқари деб эълон қилинган ўғри; ***knight of the pad*** – босқинчи; ***Mr. Big*** – жинойтчилар доираси корчалони, «юқори мартабали амалдор».

Шунингдек, эркаклар ҳар хил турдаги касб-ҳунар билан шуғулланишган. Уларнинг касби ва характеридаги турли-туманликни тасвирлаш учун мақол ва маталлар ҳам қўлланилган. Масалан: ***a bad workman finds fault with his tools*** – ёмон ҳунараманд қуролидан айб топар; ***what is a workman without his tools?*** – қуролсиз уста уста эмас; ***the workman is known by his work*** – устани қилган ишидан бил.

Жамиятнинг демократлаштирилиши, феминистик ҳаракатнинг вужудга келиши тилдаги мавжуд фразеологик бирликларга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бунинг натижасида аёлларни эркаклар билан бир хил категорияда тасвирловчи фразеологик бирликлар пайдо бўла бошлади. Масалан: ***a man of letters*** – ёзувчи, адиб / ***a woman of letters*** – ёзувчи аёл, адиба; ***a man Friday*** – Жумавой, содиқ, вафодор хизматкор / ***a girl Friday*** – ёрдамчи, «ўнг қўл», ишончли ходим (котиба ҳақида); ***Mr. Right*** – бўлажак қаллик/ ***Miss Right*** – бўлажак рафиқа; ***a man of the world*** – донишманд эркак/ ***a woman of the world*** – доно, тажрибали аёл; ***His Reverence*** – ҳазрати олийлари (руҳонийга нисбатан) / ***Her Reverence*** – катта ҳурматга сазовор рафиқа; ***Master of situation*** – «вазият эгаси» (эркак киши ҳақида) / ***Mistress of situation*** – «вазият эгаси», ўзи мустақил қарор қила оладиган аёл; ***Like father, like son*** – ўғил отасига ўхшар / ***Like mother, like daughter*** – қиз онасига ўхшар.

Ўзбек тили фразеологизмларида эса, эркакларнинг *ижтимоий фаолияти* боғдорчилик, деҳқончилик, чорвачилик, заргарлик, овчилик, косибчилик, қассоблик каби касб-ҳунарларда тасвирланган. Бу каби фаолиятларни ифодаловчи мақолларда эса эркаклар “боғбон, деҳқон, чўпон, заргар, косиб, овчи, қассоб” каби от сўз туркумига оид сўзлар билан ифодаланганлар. Масалан: ***Боғбон боғини тузар, Деҳқон даласини сузар; Чўпоннинг таёғи – отлининг оёғи; Косиб тикканини мақтар; Зар бўлмаса, заргар хароб, Ер бўлмаса, деҳқон хароб; Қассобга оқ қўй ҳам бир, қора қўй ҳам бир.***

Аёл ва эркакларнинг ижтимоий мақомини акс эттирувчи фразеологик бирликларнинг баъзилари танлаб олинди.

“Ижтимоий мақом” деганда эркак ва аёлларнинг оилавий аҳволи назарда тутилади, унда турмушга чиққан ва чиқмаган аёл, уйланган ва уйланмаган эркак, шунингдек, қариндошлик муносабатларини акс эттирувчи фразеологизмлар таҳлил этилади.

Ҳар икки тил вакиллари учун турмуш муҳим воқеа. Инглиз тилида: ***Marriage makes or mars the man*** – турмуш инсон ҳаётини ё яхши томонга ўзгартиради, ё ёмон томонга.

Ўзбек тилида айнан турмуш қуришнинг афзаллигини, муҳимлигини тасвирловчи мақоллар асосан “хотин” лексемаси орқали ёритилган:

Уйланган – ўғил-қизга қувонган; Хотинсизлик меҳнат; Хотин – умр йўлдоши; Хотин – уйнинг чироғи.

Келтирилган мисоллар турмушнинг афзаллигини тасвирласа, ҳар икки тилда бунинг аксини ҳам кузатиш мумкин: ***Умрингдан уч кун қолса эшак ол, бир кун қолса хотин ол; If you would be happy for a week take a wife; if you would be happy for a month kill a pig; but if you would be happy all your life plant a garden*** – бир ҳафталик бахт учун хотин ол, бир ойлик бахт учун чўчка сўй, бир умрлик бахт учун боғ ярат; ***first thrive and then wife*** – аввал маблағ тўпла, сўнг уйлан; ***Honest man merry soon but wise man never*** – ақлли одам ҳеч қачон уйланмайди; ***Marry in haste and repent at leisure*** – шошилиб уйланган тез афсусланади (яъни, шошилган қиз эрга ёлчимас); ***Be sure before you marry of house wherein to tarry*** – турмуш қуришдан олдин яшайдиган (бўлажак) уйнинг ҳақида қайғур.

Юқоридаги мақолларни қуйидаги биргина мисол билан изоҳлаш мумкин: ***Умр савдоси – қийин савдо.*** Мақолларда аёлнинг эрига боғлиқлиги, унинг олдида ожизлигини тасвирловчи фразеологик бирликлар ҳам йўқ эмас: ***a clinging vine*** – заиф, ёрдамга муҳтож аёл; ***the cobbler's wife is the worst shod*** – «этиқдўз хотинининг оёқ кийими ҳамманикидан энг ёмон».

Оилавий муносабатларга қайтар эканмиз, қуйидаги лексемаларни таҳлил этиш мақсадга мувофиқ: ота – она; ўғил – қиз; ака – сингил; тоға-хола; қайнона – қайнота; куёв – келин; куда; ўйнаш ва ҳ.к.

“Ўғил” ва “қиз” лексемалари фразеологик birlikларда қуйидагича тасвирланади. Ўғил: *the prodigal son* – ноқобил ўғил, оқпадар; *son of a bitch* – аблах, ярамас. Қиз: *a daughter of the horse leech* – (қонмас) тўймас товламачи. Бироқ қиз ўғил билан қиёсланганда қизнинг ижобий баҳоланиши кузатилди: *My son is my son till he gets him a wife, but my daughter's my daughter all the days of her life* – Ўғил хотин олгунча ўғил, қиз эса бир умрга қиз.

Ўзбек тилида эса бу лексемалар қиёсланганда уларнинг ҳар иккиси ижобий тасвирланади: *Ўғил уйнинг булбули, қиз – уйнинг гули; Ўғилли уй – фаришта, қизли уй – саришта.*

Ўзбек тилида қиз – ота-онанинг жони, давлати, ўғил эса – фахри, авлодини давом эттирувчиси ва айнан шунинг учун ҳам у қизга нисбатан зориқиб кутилади:

Қийшиқ бўлса ҳам йўл яхши,

Ёмон бўлса ҳам ўғил.

Лексикографик манбаларни кузатуви давомида *фарзанд; бола; чақалоқ; child; baby; infant* компонентлари қатнашган фразеологик birlikларга ҳам дуч келдик. Таҳлил қилинаётган тилларда бу отлар айнан бир аниқ жинсга боғланмаган, яъни ўғилга нисбатан ҳам қизга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Одатда, халқимизда сингилни эъзозлашни ўғилга ёшлигидан уқтириб келинади:

Онанинг кафтингда тутсанг,

Онанинг сиртда сақласанг,

Синглингни бошингда тут.

Синглингни кафтда сақла.

Аёлнинг оилада тутган ижтимоий мақомларидан бири “келин”га ўзбек тилида ижобий ва баъзан жуда салбий баҳо берилади.

Инглиз тилида аёлнинг ижтимоий мақоми эркакларникига нисбатан ёрқин ифодаланмаган. Балки эркаклар аёл кишини масъулиятли ишлар, илм-фан билан шуғулланишга қобилиятли бўлмаган инсон сифатида тасаввур қилиб, уни жиддий ишлар билан шуғулланишига

тўсқинлик қилганлар. Шунинг учун, уларга нисбатан муҳим касбларни ифодаловчи тил бирликлари қўлланилмаган. Ўзбек тилида эса аёлнинг ижтимоий мақоми асосан “уй бекаси”, “она”, “хотин”, “қиз”, “келин” тимсолларида намоён бўлади. Аммо “раҳбар аёл”, “фан арбоби” каби мақомларининг мавжуд эмаслиги, аёлларнинг қадр – қимматини туширмайди, чунки ўзбек эркаклари аёлларни заиф жинс сифатида асраб-авайлаб, эъзозлаб юришни хоҳлайдилар. Уларга, аввало, саранжом – сариштали уй бекаси, маслаҳатчи турмуш ўртоғи, меҳрибон она керак: *“Хотининг яхши бўлса, бу дунёнинг чароғи”*.

2.3.2. Аёл ва эркакларнинг психологик характери ни ифодаловчи концептуал қатлам

Инсон ўзига хос психологик характер билан дунёга келиб, унинг феъл-атвори психологик ва ижтимоий омиллар таъсирида шаклланади ва ўзгаради. Кўплаб ижтимоий психологик таҳлиллар шуни кўрсатадики, дунёда эркакларга хос бўлган сифатларга: фаоллик, тажовузкорлик, рақобатдошлик, ботирлик, ишбилармонлик, ўзига бўлган ишонч, ҳақиқатгўйлик, қаттиққўллик, талабчанлик, мантикий фикр юритиш ва ҳ.к. лар киради. Аёлларга нисбатан кўпроқ хос бўлган сифатлар эса қизиқувчанлик, сергаплик, мижғовлик, хаёлпарастлик, иккиланувчанлик, юмшоқлик, заифлик, камтарлик, итоаткорлик ва ҳ.к. лардир.

Эркак кишининг сиймоси жангчи, овчи, ҳимоячи каби ҳолатларда тасвирланади. Аёлларнинг сиймоси уй бекаси, севимли маҳбуба, гўзаллик маъбудаси сифатида гавдаланади. Лекин бу сиймолар доим ҳам тил материали таҳлили натижалари билан тўғри келавермайди.

Ҳар икки тилда ботирлик ва жасурлик эркакларга хос бўлган хусусиятлар эканлиги тасдиқланди:

Ботирлик ва жасурлик: *game as a cockerel* – ўта кетган довюрак, мард; *full of bush fire* – жуда ғайратли, хушчақчақ, журъатли; *a man of*

his hands – тажрибали, уста, моҳир; *a man's man* – ҳақиқий эркак; *play the man* – эркакча йўл тутмоқ; *like a Trojan* – қаҳрамонларча, жасоратли.

Кучсизлик, нимжонлик, қатъиятсизлик хусусиятлари ҳам эркакларга хос бўлиши мумкин: *have too much of his mother's blessing* – ўта уятчан бўлмоқ; *a Miss Nancy* – нимжон “қиз бола”; *play the woman* – йиғламоқ, кўрқмоқ, лапашанг; *a fall guy* – ҳамма балога тўғаноқ одам, қурбон; *faint heart never won fair lady* – кўрқоқ юрак, аёл юрагини забт эта олмайди. Айниқса, эркакларга нисбатан кўп ҳолларда **“онасининг эркаси, арзандаси”** номининг бириктирилиши инглиз тилида кўп кузатилди: *mummy's boy* – онасининг эркатои; *mother's darlings make but milk-sop heroes* – онасининг эркатоидан қаҳрамонлик чиқмайди; *a weak sister* – танноз ойимтилла, онасининг эркатои; *be pinned to one's mother's apron strings* – онасининг измида бўлмоқ. Эътибор берсак, эркакларнинг салбий жиҳатлари “аёл” семантик майдони билан боғлиқ сўзлар орқали ифодаланаяпти:

Nice Nelly – икки юзламачи; *an old woman* – беҳаловат эркак, “хотинчалиш”, шалвираган.

О.А. Колосованинг инглиз ва америка материаллари асосида олиб борган тадқиқотларида эркакларнинг ижобий баҳоларининг концептуал макони аёлларникига қараганда сезиларли даражада кўплиги ва “эркак” референтини салбий баҳолаш учун аёлларга бириктирилган стереотиплардан фойдаланилганлиги аниқланган [47, 120-145].

Ўзбек тилида эркакларнинг мардлиги ва ботирлигини тасвирловчи фразеологизмлар уларнинг кўрқоқлиги, қатъиятсизлиги, заифлиги каби хусусиятларини тасвирловчи фразеологизмларга нисбатан кўпчиликини ташкил этади. Айниқса, ўзбек йигитининг Ватанига, халқига бўлган садоқатини тасвирловчи фразеологизмлар ҳеч бир тилда ўзбек тилидагидек кўп миқдорда мавжуд бўлмаса керак.

Эркакнинг аёлга бўйсиниши ҳам пасткаш ва номуносиб хислатлардан ҳисобланади. Бу хислат ўзбек фразеологиясида акс этмаган: ***petticoat government*** – аёл ҳукмронлиги, зўрлиги; ***the gray mare*** – хотиннинг қўли остида бўлмоқ; ***the gray mare is better horse*** – уйда ҳукмрон аёл; ***be tied to one's wife's apron strings*** – хотинининг измидан чиқмаслик.

Инглиз тилида эркакларга хос бўлган **меҳнаткашлик** хислатларини тасвирловчи фразеологик бирликлар миқдори жуда камлиги кузатилди. Ўзбек тилида эса, аксинча, кўпчиликни ташкил этади: ***Mr.Fixit*** – моҳирона созлайдиган, ясайдиган одам, ***a man of his hands*** – қўлидан ҳар бир иш келадиган моҳир, устаси – фаранг; ***early to bed and early to rise, make a man healthy, wealthy and wise*** – ким эрта турса соғлиқ, бойлик ва ақл орттиради; ***Йигит деган эр бўлар, меҳнат кўрса шер бўлар; Йигит ҳусни меҳнатда; Йигитнинг бахтини меҳнат очар; Марднинг марди майдонда синалар, йигитнинг йигити меҳнатда.***

Инглиз тили фразеологизмларда (жисмоний) меҳнатнинг муҳимлиги кузатилмади: ***a drug store cow boy*** – бекорчи, танбал, такасалтанг; ***lounge lizard*** – дайди, бекорчи.

Эркакларга хос жиҳатлардан **олийжаноблик** инглиз тилида қуйидагича тасвирланади: ***one of Nature's gentleman*** – ҳақиқий джентльмен, бенуқсон хулқ-атворга эга бўлган инсон; ***big brother*** – васий, ҳомий; ***a pukka sahib*** ҳақиқий, чин джентльмен; ***make an honest woman of smb.*** – бузуқ хотинга (ўйнашга) уйланиб, унинг айбини беркитиш мақсадида муносабатларини никоҳ билан қонунлаштириш. ***Уддабуронлик: a fast worker*** – ишига пишиқ, бўш келмайдиган.

Эркакларнинг салбий хусусиятларини тасвирловчи мисолларда **қаҳр-ғазаблилиқ, шафқатсизлиқ, разиллик** каби хусусиятлар кузатилади: ***the man of blood and iron*** – қаҳрли, раҳм-шафқатсиз инсон, ***a***

four-letter man – разил, тубан, одамгарчилиги йўқ шахс; *Tom Thumb* – нотавон, пасткаш. *Такаббурлик, мағзурлик: a smart Aleck* – ўзига бино қўйган, сурбет; *proud as Lucifer* – иблисдай, калондимоғ, такаббур. Бу каби салбий хусусиятлар ўзбек тилида учрамади. Айтиш жоизки, эркаклар феъл-атворининг қаттиқлиги, уларнинг ижобий хислатларидан бири ҳисобланади. Зеро, хотинга қўл кўтариш ҳам уларга нисбатан тез-тез қўлланилган жазо чораларидан бири ҳисобланади:

Қудали хотин қўйруқ ер, эрли хотин калтак.

Эрим урмайди дема, болам сиймайди дема.

Навбатдаги лексик-семантик майдон “сергаплик”. Бу хусусият азалдан фақат аёлларга хос бўлиб, масхара ва чин ҳазилларга сабаб бўлган: *talk Billingsgate* – бозорчи хотинга ўхшаб уришмоқ, *an old wife* – ғийбатчи, «қари жувон»; *an old cat* – миждов, қари кампир; *a chatter box* – вайсақи, сергап; *chatter like a magpie* – зағизғонга ўхшаб чирилламоқ; *wash one's dirty linen in public* – уйдаги гапни кўчага олиб чиқмоқ.

Аёл характериға хос жиҳатлардан бири унинг қайсарлиги, чегарадан чиқиб кетиши ёки ўзбошимчалигидир. Масалан: *fling one's bonnet over the mill/ throw one's cap over the windmill* – ўйламасдан иш тутиш, чегарадан чиқиб кетиш.

2.3.3. Аёл ва эркакларнинг физиологик хусусиятларини тасвирловчи концептуал қатлам. «Ташқи кўриниш» субконцептининг гендер таҳлили

Социологик тадқиқотлар, шунингдек, тил материалининг гендер нуқтаи назаридан таҳлили шуни кўрсатадики, эркаклар учун ташқи кўриниш унчалик муҳим бўлмаган омил, бироқ аёлларда эса ички гўзалликка қараганда ташқи гўзалликни қадрлашади. Инглиз тилида ташқи кўриниш субконцептининг гендер таҳлили ҳам ташқи кўринишнинг эркаклар учун муҳим аҳамият касб этмаслигини тасдиқлайди. “Инглиз аёлининг жозибадор кўриниши унинг ҳаётда ўз

ўрнини топишида муҳим атрибут саналади” [46, 153]. Инглиз тилида ушбу тушунча доирасида таҳлил қилинган 38 та фразеологизмлардан фақат 9 таси эркакларга хосдир.

Эркакларнинг семизлиги уларнинг ташқи кўринишидаги камчиликлардан ҳисобланади: ***fat as an olderman*** – қоринли, семиз одам; ***baron of beef*** – «биқин гўшт, лаҳм гўшт».

Семизликка қарама-қарши бўлган хусусият *озгинлик* ҳам эркакнинг кўринишида салбий ва заиф томонни билдиради: ***a slip of a boy*** – озгин йигит.

Эркакларнинг ташқи кўринишини ифодалаш учун тана аъзосининг юз қисмидаги белгилардан ташкил топган фразеологизмлар ҳам учрайди: ***raise one’s bristles*** – аччиқланмоқ, жаҳли чиқмоқ; ***a blue-eyed boy*** – эркатой, арзанда; ***a young shaver*** – ўспирин йигит; ***old moustashe*** – кекса, тажрибали ҳарбий киши. Бундан ташқари, қизларнинг орзусидаги идеал шахс сифатида эркакларга юксак баҳо берилган, чунки идеал шахснинг албатта ташқи кўриниши ҳам чиройли бўлиши керак: ***the answer to a maiden’s prayer*** – чиройли бўйдоқ, ҳавас қилгудек куёв, ***prince charming*** – эртақдаги шахзода, орзусидаги бўлажак куёв.

Аёлларнинг ташқи кўринишини тасвирловчи фразеологик бирликларга келсак, улар эркакларни тасвирловчи фразеологик бирикларга нисбатан икки баробар кўпдир. Инглиз тилида аёлларнинг ташқи кўриниши кўп ҳолларда уларнинг шахвоний объект сифатидаги тасвирида ифодаланади: ***sex appeal*** – ўзига жалб этувчи; ***a hot mamma*** – эҳтиросли жувон; ***there’s many a good tune played on an old fiddle*** – эски скрипкада кўплаб яхши куйларни чалиш мумкин (ишқ-муҳаббати қайнаб турган ёш бўлмаган аёл ҳақида).

Инглиз аёлининг кўринишини қуйидаги ҳолатларда кузатиш мумкин:

Тана аъзосининг юз қисмидан ташкил топган фразеологизмлар: **her face is her fortune** – унинг бойлиги чиройида; **pretty as a picture** – суратдек гўзал; **fancy face** – дўндикча чиройлигина, **painted to the eyes** – қаттиқ бўянган аёл;

гулларга қиёслаб: **fair as a lily** – нилуфар гулдек чиройли; **blush like a rose** – атиргулдек қизариб кетмоқ; **a rose between two thorns** – иккита тикан орасидаги атиргул; аёлларнинг қадди-қомати: **sweater girl** – чиройли сийнали аёл; **a slip of a girl** – келишган, қадди коматли, нозиккина қиз; соч: **Blush to the roots of one's hair** – (сочнинг илдизигача) қизариб кетмоқ, **a bush-fire blonde** – малла, сариқ сочли аёл; **a peroxide blonde** – сочлари бўялган аёл; **a platinum blonde** – оқ-сарик сочли аёл.

Фразеологик бирликларнинг кўп қисми аёлларнинг умумий кўринишини тасвирлайди, яъни улар айнан бир аъзо орқали тасвирланмайди. Масалан: **a slick chick** – хушрўй, соҳибжамол; **a glamour girl** – гўзал, жуда келишган; **a Teddy girl** – ғайриоддий модага берилган қиз; **a hot number** – жўшқин, оташин, «ёндирувчи» аёл; **a dolly bird** – чиройли, безанган қиз.

Қуйидаги мисолда “ташқи кўринишнинг” эркакларга нисбатан аёллар учун муҳим эканлиги яққол кўриниб турибди: **A man is old as he feels and a woman as old as she looks** – эркак кишини ёши ўзини қандай ҳис этишига қараб аниқланади, аёлники эса кўринишига қараб. И.В Зыкова ушбу паремияни инглиз аёлини тасвирлашдаги энг ёрқин (ядерный) концептуал асос сифатида кўради [46, 153]. Шуниси қизиқки, ўзбек тилида аёлнинг ёшига ўттизга киргандаёқ ҳукм чиқарилади, яъни у бу ёшда «ўтинга» тенглаштириб қўйилади: **Аёлни ўттизга киргани, ўтин бўлгани**. Инглиз тилида эса аёлнинг кўриниши унинг ёшига қараб эмас, балки ўзини ҳис этишига кўра белгиланади. Рус тилида ҳудди шундай ижобий ҳолатни кузатиш мумкин: **Бальзаковский возраст** –

хотинларнинг ўттиз билан қирқ ёш ўртасидаги даври, уларнинг энг яхши даври эканлигидир. Аёлнинг ўттизга кириб, ўтин бўлиши ўз-ўзидан андроцентризмнинг пасайишини кўрсатади, чунки аёлнинг бу ҳолатга тушиши эрнинг заиф томонини кўрсатади. Буни тасдиқловчи мақоллар қуйидагича: *Хотиннинг чиройи эрдан; Мард хотинин қаритмас, ботир отин ҳоритмас.*

Ўрнашиб қолган стереотиплар аёлни зоонимлар билан қиёслаганда, унинг салбий жиҳатларини ҳам ифодалаб келади: *old duck* – кампир; *a social butterfly* – бемаъни қиз; *a hen party* – қизлар базми; *daughter of the horse leech* – от зулугининг қизи; *plump as a partridge* – какликдай семиз, дўмбоққина. Эркаклар ҳам бундай стереотипларга эга: *a gay dog* – ахлоқи бузуқ одам, суюқоёқ; *a fighting cock* – уришқоқ, жанжалкаш. Лекин бундай фразеологик бирликларнинг аксарияти, яъни зоонимлар билан қиёсланаётган бирликлар прагматик маънонинг экспрессив компоненти сифатида хизмат қилади. Яъни менсимаслик, нафратланиш, жирканч оҳанги билан айтиладиган фразеологик бирликлар гуруҳидир. Бундай бирликлар одатда *през.* (презрительно) – нафратланиб, жирканиб, *пренебр.* (пренебрежительно) – менсимаслик, *неодобр.* (неодобрительно) – ҳурматсизлик каби изоҳлар билан берилади: *an old bird* (пренебр.) – кампир, чол; *an old cat* (пренебр.) – вайсақи, ёвуз кампир; *mutton dressed as lamb* (неодобр.) – ёш кўринмоқчи бўлган кампир, *Tom Thumb* – (презр.) пасткаш, *old bloke* (пренебр.) – мункайган, ачиган, алжираган чол.

Г. Ҳакимова инглиз тилида зоонимлар орқали ифодаланган фразеологик бирликларда инсоннинг турли хил белги-хусусиятлари, яъни унинг ахлоқий, интеллектуал, ижтимоий белгиларини ижобий ва салбий маъноли гуруҳларга ажратиб ўрганган. Таҳлил натижаларига кўра, ижобий маъноли зоономик компонентли фразеологик бирликлар асосан 1000та бирликларнинг 30% ини ташкил этган бўлса, салбий маънода

келувчи фразеологизмлар зоономик компонентли фразеологик бирликларнинг 40%ини ташкил этган [48, 87-89]. Демак, инсоннинг салбий хусусиятларини ифодаловчи зоономик фразеологик бирликлар унинг ижобий хусусиятларини ифодаловчи фразеологик бирликларга нисбатан кўпчиликни ташкил этади.

Аёлни бирон-бир предметнинг қисми билан аталиши ҳам гендер номутаносибликнинг кўриниши сифатида намоён бўлади: *a piece of flesh* – «тананинг бир қисми» қиз, жувон; *a bit of goods* – «товар», аёл; *a piece of fluff* – «момик, пат».

Эркакларнинг аёлларнинг кўнглини олишдаги ҳаракатлари, яъни уларнинг ҳушдорлигини тасвирловчи фразеологик бирликлар: *dance attendance on smb.* – аёлларнинг орқасидан югурмоқ, чирмашиб олмоқ; *sugar daddy* – бой, қари жазман; *a gay Lothario* – хотинбоз; *ladies' man* – хотинларни кўнглини овловчи; *pay court to smb* – ҳушдорлик қилмоқ.

Ўзбек мақолларида аёлнинг ташқи кўриниши қадрланса-да, (*“Онангни отанга бепардоз кўрсатма”*), бироқ ички ва табиий гўзаллик муҳим ҳисобланади: *Пардоз қилган чиройли, аммо ҳусни бир ойли; Пардозни пардоз бузар; Ташига қарама, ичига қара; Қиз ҳусни юрагида; Яхшининг юзида зулук ҳам хол бўлиб кўринар.* Шунингдек, ўзбек аёлининг гўзаллиги унинг ақл-фаросати ва фарзандлари билан тенглаштирилади: *Ақли хотин – уй кўрки, чиройли хотин – кўча кўрки; Йигит чиройи – аргумоғи, келин чиройи – чақалоғи.* Аёлнинг ҳусни ва нози ҳам унинг ташқи гўзаллигининг муҳим атрибутларидан ҳисобланади: *Яхши қомат – ярим омад, яхши ҳусн – ярим бахт; Нозсиз хотин – ёлқинсиз ўтин; Ўйин соз билан, қиз ноз билан.* Аёлнинг нози ва заиф томонлари унинг кўркига кўрк қўшади, албатта. Баъзи ҳолларда эса, аёлнинг бу хислатлари эркак устидан ҳукмронлик қилиш учун ҳам кўл келади, аммо аёлга нисбатан огоҳлантириш сифатида *Нозни кўтарганга қил* каби мақол ҳам қўлланилади.

Чиройнинг баъзи бир ҳолларда аёллар учун муҳим атрибут эмаслигини таъкидловчи мақоллар қуйидагича берилган: *Қинғир оғиз бўлса ҳам, Бойнинг қизи эр танлар*. Демак, бойлик ташқи кўринишнинг аҳамиятини сусайтириши мумкин.

Эркакнинг ташқи кўриниши “соқол” орқали тасвирланса, унинг ташқи гўзаллиги эса “камтарлик” ҳисобланади: *Сўз кўрки – мақол, гўзал кўрки – баққол, йигит кўрки – соқол; Кўса қариганини билмас; Супурги ернинг ҳусни, камтарлик – эрнинг*.

Ҳар икки тилда “ташқи кўриниш” аёлларга хос ва муҳим ҳисобланса-да, айнан инглиз фразеологизмларида ташқи кўриниш субконцепти ўзбек фразеологизмларидан фарқли ўлароқ аёлнинг бежирим ва нафис тимсолини ифодалайди. Е.Н. Калугина инглиз лисоний онгида аёл образини ҳосил қилувчи муҳим параметрлардан бири ташқи кўринишни қуйидагича тасвирлайди: “Бу параметрнинг фарқ қилувчи хусусияти шундан иборатки, кўп номинациялар ташқи кўринишнинг алоҳида хусусиятини бермай, аёлнинг жозибадорлигини ифодалайди” [49, 13].

Ўзбек аёлининг ташқи гўзаллигидан кўра унинг ички гўзаллиги муҳим ҳисобланади. Унинг ички гўзаллиги эса аёл – уй бекаси ва аёл – она тимсолларида ёрқин ифодаланади.

2.3.4. Инглиз ва ўзбек тиллари гендер кўрсаткичли

фразеологизм ва мақолларининг фарқи ва ўхшашликлари

Икки хил маданиятнинг фарқли томонлари уларнинг ўхшаш томонларидан кўра кўпроқ бўлиши табиий ҳолдир.

1. Ўзбек тилида аксарият мақолларда “эркаклик – аёллик” оппозицияси биргаликда қўлланилади ва “тўғри – нотўғри” тушунчаларига мос келади.

Яъни эр бажарган ишни “А” деб олсак, хотин бажарган иш “В” бўлса, А ва В бир-бирига қарши ва бир-бирини инкор этувчи ҳаракатлар бўлиб, А тўғри, В эса нотўғри ҳисобланади. Масалан:

Эр топувчан бўлса,

Эри эшикдан чиқса,

Хотин тақувчан бўлар.

Хотини тешикдан чиқар.

Ўғлинг боқсин, келининг соғсин.

2. Аёл ва эркаларнинг ижтимоий мақомларини таҳлил қилиш давомида «қариндошлик муносабатлари» семантик майдони муҳим ўрин тутиши кузатилди. Ўзбек тилида ушбу майдон жуда кенг ёритилган бўлса, инглиз тилида фақат энг яқин қариндошларига нисбатан ифодаланади.

3. Инглиз тилида эр ва хотиннинг ота – онасини (father in law, mother in law) тасвирловчи фразеологик birlikлар топилмади. Шунинг учун тадқиқотимиз давомида уларга тавсиф бериш имконияти бўлмади. Айтиб ўтиш жоизки, ўзбек тилида «қайнота» сиймоси ўта ижобийдир, бу эса эрканинг ижтимоий мақоми сифатида унинг аёллар ишига аралашшига йўл қўймаслигини билдиради.

4. Оналик тажрибаси, шак-шубҳасиз, аёллик маънавий тасвирининг яралишида ва шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ўзбек тилида онанинг фарзанд учун қурбон бўлиши ва унга бўлган меҳр-оқибатини акс эттирувчи фразеологизмлар мавжуд, аммо инглиз тилида бундай мисолларни учратмадик. Масалан: *Она билан бола – гул билан лола; Онанг ўлди – отанг ўлди; Фарзанд боққан ота, жонни қоққан она; Онали етим – гул етим, Отали етим – шум етим.*

5. Инглиз тилида father ва mother компонентли фразеологик birlikлар бошқа гендер компонентли фразеологик birlikларга нисбатан кўпчиликни ташкил этишига қарамасдан уларнинг аксарияти метафоризация ўрнида қўлланилади. Масалан: *the Father of Rivers* – «дарёлар отаси» (Миссисипи дарёси); *Experience is the father of wisdom* –

тажриба ақлнинг отаси; *the Mother of Parliaments* – «парламентаризм ватани» (Англия).

6. Инглиз фразеологиясида аёлларнинг турмушга чиқиш мажбурияти тўғрисидаги ғоя мавжуд бўлиб, турмушга чиқмаган аёл ва қизлар айбланадилар: *lead apes in hell* – қари қиз бўлиб ўлмоқ, дўзахда маймунларга энагалик қилмоқ; *be on the shelf* – «токчада қолиб кетмоқ», қари қиз бўлиб қолиб кетмоқ; *an appropriated blessing* – «эхтиёжсиз хазина».

Қиз ҳам турмушга чиқаётганда, муносиб шахзодага турмушга чиқишни хоҳлайди: *answer to a maidens prayer* – қиз орзу қилган чиройли йигит.

Ўзбек фразеологиясида, аксинча, яъни “ўтирган қиз” қачон бўлса ҳам ўз ўрнини топади ва бахтли бўлади.

7. Гарчи ҳар икки тил ҳам гендер номутаносиблик билан фарқланса-да, ўзбек аёли инглиз аёлидек ранжитилмаган, яъни унга нисбатан менсимаслик, нафратланиш, жирканч оҳанги билан айтиладиган бирликлар гуруҳи назарда тутилмоқда (ушбу бирликлар луғат ва асарларда *пренебреж.*, *неодобр.* изоҳлари билан берилади): *an old cat* – “қари мушук” (мижғов қари кампир), *mutton dressed as lamb* – ёш кўринмоқчи бўлган кампир, *one’s old Dutch* – “кампир” (хотинни назарда тутиб).

8. Ўзбек паремияларида эрнинг қандай бўлиши унинг аёлига боғлиқ деб талқин қилинса, яъни: “*Эрни эр қилувчи ҳам, қаро ер қилувчи ҳам хотин*”; “*Хотин яхши бўлса, эр ҳам яхши*” каби, инглиз тилида эса бунинг аксинча ҳолати кузатилди. Яъни оилада аёлнинг яхши ёки ёмон бўлиши унинг эрига боғлиқ бўлади:

A good husband makes a good wife (яхши эрнинг хотини ҳам яхши бўлади); *A good Jack makes a good Jill* (Джек яхши бўлса, Джил ҳам яхши бўлади).

Бунга ўхшаш мақоллардан: *Caesar's wife must be above suspicion* – Цезарнинг хотини шубҳа қилишга арзимамайди. Демак, хотинни вафодор бўлиши ҳам эрга боғлиқ. Бироқ, ўзбек тилининг паремиологик луғатларида андроцентризмдан воз кечиш имконияти берилган мақолларни ҳам учратиш мумкин: *Хотин чиройи эрдан, ҳосил чиройи ердан; Чавандоз отини, яхши эр хотинини қаритмайди.*

9. Инглиз эркаклари ўз хотинларини бошқаларнинг хотинидан энг зўри, энг яхшиси, деб билишар экан. Масалан: *There is one good wife in the country, and everyone thinks he has her* – шаҳарда битта яхши хотин бўлса, ҳамма эркак ўзини хотинини назарда тутди. Ўзбек тилида эса, бунга ўхшаш мақолларни учратмадик. Аксинча, бунинг аксини ифодаловчи мақол мавжуд: *Чала тентак отини мақтар, Тоза тентак – хотинини.*

10. Тадқиқотимиз давомида инглиз фразеологик бирликларида (ўзбек фразеологик бирликларига нисбатан) аёлнинг танлаш имкони мавжудлигини кузатиш мумкин: *The man for my money* – мен истаган эркак, менга тўғри келадиган, мос; *give smb. his marshing orders* – куёвга норозилик билдирмоқ.

11. Инглиз аёлининг психологик характерининг салбий хусусиятларидан енгилтакликни (қўпол равишда) ифодаловчи фразеологизмлар кўп миқдорда мавжуд бўлиб, ўзбек тилида бундай фразеологизмлар деярли учрамади: *a woman of pleasure, a light o' love* – фоҳиша.

12. Инглиз тилида антропонимларни ўз ичига олган фразеологик бирликлар жуда кўпчиликни ташкил этади, аниқроғи 40 дан ортиқ. Бу эса, биринчидан, тарихий воқеалар, мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида машҳур шахсларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, коммуникатив жараёнда юзага келган фразеологизмлардир: *Jack Ketch* – жаллод (XVII асрда машҳур жаллод номига атаб); *proud as Lucifer* –

иблисдай мағрур, каттазанг; ***Teddy Boy*** – олифта (ўзига хос кийиниш услубиги эга бўлган инглиз қироли Эдуард VII номига атаб); ***A smart Aleck*** (*пренебр.*) – ўзига ишонган бетамиз, ишёқмас.

Ўзбек тилида эса, антропонимли фразеологик бирликлар асосан коммуникатив жараёнда юзага келган бирликлар бўлиб, кўпчиликни ташкил этмади.

Инглиз ва ўзбек фразеологик бирликларининг ўхшашлиги хусусида қуйидагилар аниқланди:

1. Аёл ўзбек тилида “ўтин” сўзи билан қиёслангани каби, инглиз тилида ҳам бунга ўхшаш ҳолатни кузатиш мумкин, яъни инглиз тилида аёл “скрипка” билан қиёсланган.

There's many a good tune played on an old fiddle – эски скрипкада кўп яхши куйларни чалиш мумкин (ёш бўлмаган аёл ҳақида).

2. Ота-она жуфтлигининг ҳар икки тилдаги таҳлили шуни кўрсатдики, онанинг бола тарбиясидаги роли отаникига қараганда муҳимроқ экан. Шунингдек, қадрдон ва яқин нарсалар бевосита ёки тўғридан тўғри “она” билан боғланади.

Mother's mark – туғма белги; ***Mother's tongue*** – она тили; ***just like mother makes it*** – кўнглидагидек бўлмоқ, айнан дидига ёқмоқ.

Ўзбек тилида: ***Она тилим – доно тилим; Она ернинг тупроғи она сугидан азиз; Она юртинг – олтин бешигинг.***

3. Ота оилада катта ҳурматга ва обрўга эга бўлган шахс. Бу ҳам гендернинг шартли кўринишларидан бири. Ота ўғил билан, она эса қиз билан кўпроқ бирга бўлганлиги учун ҳам уларга оид сўз ва ибораларнинг қўлланилиши муҳимдир. Масалан: ***Like father, like son*** – ўғил отага ўхшар; ***Like mother, like daughter*** – қиз онасига ўхшар; ***Many good fathers make but a bad son*** – яхши отанинг ўғли ёмон бўлади; ***Елка яғри – отага мерос, Ота яғри – ўғилга мерос; Ўғил отасига ўхшамаса, қони ҳаром; Қизни онаси тийсин, ўғилни отаси.***

4. Хотинни жазолаш мумкин бўлган ҳолатлар ҳар икки тилда кузатилди: *A woman, a dog, and a walnut tree, the more you beat them the better they be* – аёл, ит ва ёнғоқни қанчалик кўп урсанг, шунчалик яхши бўлади; *Қудали хотин қўруқ ер, Эрли хотин калтак*.

5. Аёлнинг сергаплиги унинг салбий ҳислатларидан бири ҳисобланади:

Silence is a woman's best garment – сукунат аёлнинг энг қимматбаҳо бебағи; *Элакка борган аёлнинг эллик оғиз гапи бор*.

Инглиз ва ўзбек тилларида аёл ва эркак концептларининг қиёсий гендер таҳлили уларнинг фарқли томонларининг универсал жиҳатларига нисбатан кўп эканлигини тасдиқлади.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Ушбу бобда ўзбек ва инглиз фразеологик қатламлари гендер тадқиқотлари нуқтаи назаридан ўрганилди. Зеро, икки хил маданиятда аёллик ва эркаклик олами лисоний тасвирининг гендер таҳлили ҳар хил тил вакилларининг умумий ва фарқли хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

Инглиз тилида эса, гендерлик аспекти фразеологизмларнинг мазмун планида ёрқин ифодаланган. Ўзбек тилида эса гендерлик аспекти фразеологизмларнинг ифода планида ёрқин намоён бўлади. Бу эса, ўзбек халқи учун оила ва оилавий муносабатлар муқаддас эканлигини кўрсатади.

Инглиз ва ўзбек фразеологик бирликлари ва паремияларининг гендер таҳлили натижаларига кўра шу нарса маълум бўлдики, ҳар икки тилда ҳам аёлнинг салбий ифодаси унинг ижобий ифодасидан устун туради. Бу жамият аъзоларининг салбий хусусиятга нисбатан муносабатини белгилайдиган аломатдир.

Ўзбек тилида фразеологик бирликларнинг кўп қисмини халқ ижодиёти билан боғлиқ бўлган мақоллар ташкил этса, инглиз тилида қуйи мартаба вакилларига нисбатан қаратилган йўналиш ҳукмрондир.

Аёл ва эркак концептлари турли концептуал қатламларда ҳар хил даражада тасвирланади.

Аёл ва эркакларнинг феъл-атворидаги хусусиятлар таҳлили ҳар икки тилда эркакларга “ботирлик” ва “жасурлик” каби хислатлар тегишли эканини кўрсатди. Бироқ ўзбек тилида улар ёрқинроқ тасвирланган. Эркакларнинг кучсизлиги ва қатъиятсизлигини (*онасининг эркаси* каби) ифодаловчи фразеологик бирликлар ҳам ҳар икки тилда акс этган, лекин инглиз тилида бундай фразеологизмлар кўпроқ учрайди.

Аёл ва эркакларнинг физиологик хусусиятларидан “ташқи кўриниш” концептуал қатламининг таҳлили инглиз аёллари учун ташқи кўриниш муҳимлигини кўрсатди. Ўзбек тилида бу қатлам умумий ҳолда тасвирланиб, ўзбек аёлининг ташқи гўзаллиги унинг ички гўзаллиги каби “аёл – уй бекаси” ва “аёл – она” тимсолларида ёрқин ифодаланади.

Эркакларнинг ташқи кўринишини ифодаловчи фразеологик бирликлар ҳар икки тилда кўпчиликни ташкил этмади ва уларнинг асосан жисмоний шаклига эътибор берилади.

Аёл ва эркакларнинг ижтимоий хусусиятларини тасвирловчи қатламнинг гендер таҳлили қадимдан касб-ҳунарнинг эркаклар учун муҳим бўлганлигини тасдиқлади, яъни аёллар фақат оила учун эркаклар эса жамият учун.

Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизм ва паремияларининг гендер таҳлили барча қатламларда андроцентризмнинг ўзига хос хусусиятларини кузатиш имконини берса-да, тадқиқот давомида андроцентризмни сусайтирувчи ҳолатларга дуч келишимиз тилнинг фразеологик қатламида эркаклик бутунлай устунлик қилмайди, дейишимизга асос бўлади.

Фразеологияда салбий баҳонинг ижобийдан устунлигини гендер фактори билан эмас, балки ҳақиқатни инсоният томонидан англаши билан боғлаш мумкин, яъни ижобий меъёр сифатида қабул қилинади, шунинг учун ҳам у тилда тўлиқ акс этмайди. Салбий жиҳат эса, ижобийнинг акси, жамиятда қабул қилинмаган меъёр сифатида тилда ўз ифодасини топади.

УМУМИЙ ХУЛОСА

Тилда гендер тадқиқотларини ўрганишнинг тамал тошини Э. Сепир, В. Гумболдт, О. Есперсен каби машҳур олимлар қўйган десак муболаға бўлмайди. Зеро, феминистик танқиднинг назарий асослари ҳам

В. Гумболдтнинг “тилнинг халқ руҳияти, инсон онги ва тафаккурига таъсир этадиган ўзига хос бир олам” деган фикрлари, Сепир-Уорфнинг “лисоний нисбийлик” гипотезаси, яъни “тил – нафақат жамиятнинг маҳсули, балки унинг онги ва таффакурини шакллантирувчи восита” эканлиги ҳақидаги концепцияларига таянади.

Феминистик назарияга кўра, жамиятда патриархат ҳукмронлик қилар экан, патриархал қадриятлар жамиятга матн ва дискурс орқали кириб келади. Инглиз тилида грамматик маскулин роднинг умумийлашуви, асосан касб номларини ифодаловчи феминин роддаги отларнинг маскулин род отларидан ясалиши, тилда қўлланилиши ва мавжудлигига кўра бир неча баравар кам эканлиги ва ҳ.к. ларни ҳисобга олиб, инглиз тилида гендер номутаносиблик ёрқин ифодаланади дейишимиз мумкин.

Аёлларнинг тилга муносабати икки хил кўринишда намоён бўлади. Биринчидан, инглиз тилида феминин род отлари маскулин род отларига нисбатан тилда “род”ни сақлаш каби муҳим аҳамиятли вазифани бажарса, иккинчидан, ҳар икки тилда аёллар коммуникатив жараённинг эгаси сифатида нутқнинг стилистик жиҳатдан бой бўлишида хизмат қилади.

Тилда гендер аспектини тадқиқ этишда типологик ёндашувнинг зарурияти замонавий тилшуносликда методологик ўзгаришлар, илм-фан асосий парадигмасининг алмашинуви, яъни анъанавий тилшуносликдан тилни инсон, унинг онги ва тажрибавий иш фаолияти билан боғлиқ ҳолда

ўрганадиган когнитив, лингвомаданиятшунослик ва антропологик тилшуносликка ўтиш билан боғлиқ ҳолда юзага келди.

Тилнинг фразеологик ва паремиологик қатлами ҳар бир жамият аъзоси онгини шакллантиришда, жамиятнинг миллий-маданий қадриятларини сақлаш ва ифодалашда муҳим ўрин тутишини ҳисобга олиб, айнан инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида аёллик ва эркаклик муносабатларини тадқиқ этишга ҳаракат қилдик.

Гендер тилшунослиги фанлараро парадигмада ривожланиб, унинг тил меъёрларини ўзгартиришга қаратилган қатор ижобий натижалари тилда аёл мақомини юқори даражага кўтаришда уринишларнинг самарасидир.

Инглиз ва ўзбек тилларида гендер масаласи билан боғлиқ, жумладан, “аёл” сўзи билан боғлиқ лексик-семантик майдон борасида олиб борган тадқиқотларнинг натижаси шуни кўрсатдики, аёл бир тарафдан заиф, мустақил қарор қабул қилишда эрксиз, нимжон ва қарама-қарши жинсдан доимий эътиборга муҳтож бўлган шахс сифатида таърифланса, иккинчи тарафдан у ўзига мафтун этишда уддабурон, табиатан гўзал ва эмоционал характер эгаси сифатида гавдаланади.

Икки хил тил ва маданиятларнинг гендер таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга эришилди:

1. Ҳар икки тилда аёл образи эркакка қараганда кўпроқ салбий жиҳатларни ўз ичига олади, яъни тилда гендер номуносиватлик – андроцентризм ҳукмронлик қилади.

2. Ўзбек тилида паремиялар фразеологик бирликларга нисбатан “аёл” ва “эркак” концептлари ҳақида кўпроқ маълумот беради. Инглиз тилида аксинча фразеологик бирликлар паремияларга нисбатан кўп маълумот бериш имконига эга.

3. Инглиз ва ўзбек тилларида гендерлик аспекти фразеологизмларнинг ифода ва мазмун планида ёрқин намоён бўлади.

Бироқ гендерлик аспектида фразеологизмларнинг фарқланиши прагматик жиҳатдан турли даражада.

4. Инглиз ва ўзбек тилларида гендер кўрсаткичли сўзларнинг лексикографик таҳлили феминистик назариянинг мавзуларидан бўлмиш лисоний андроцентризм ғоясини тасдиқлади.

5. Ўзбек фразеологик бирликларида аёлларга хос салбий тасвир тўғрисидаги масала мунозарали бўлиб, уларни эркаklar тасвири билан қиёслаганда сезиларли номутаносиблик кўринмайди.

6. Ҳар икки тилда эркаklarга нисбатан аёлларга хос стереотипларни қўллаш эркаklarнинг салбий томонларини ифодалайди. Бу эса, жамиятда, шунингдек, тилда мавжуд гендер номутаносибликнинг ёрқин кўринишидир.

7. Ўзбек тилида аёлнинг юксаклиги “аёл – уй бекаси”, аёл – она” тимсолларида намоён бўлса, инглиз тилида аёллар “ташқи кўриниш” субконцепти орқали ёрқин ифодаланади.

8. “Аёл” ва “эркак” концептларини ташкил этувчи барча қатламлар инглиз ва ўзбек жамияти ва маданиятида, тилда андроцентризмнинг ҳукмронлигини ифодаласа-да, лекин унинг даражаси ҳар хил қатламларда турлича эканлигини кузатиш мумкин. Бироқ ўзбек тилида род грамматик категориясининг йўқлигини ҳисобга олиб, ушбу тилни андроцентризм бутунлай қамраб олган дея олмаймиз.

9. Аёл ва эркак компонентли фразеологик бирликлар ва паремияларнинг қиёсий-гендер таҳлили тил ва маданият, тил ва онгнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини яна бир бор тасдиқлади.

Қадимдан эркак – жамиятнинг ижтимоий ҳаётида муҳим мавқега эга шахс, аёл эса, она ва уй бекаси эканлиги давом этиб келмоқда. Албатта, ўзбек фразеологизмларида ўзбек аёли “она” тимсолида қадрланади. Бугунги кунда ўзбек аёли ҳам она, ҳам шахс, ҳам уй бекаси сифатида тасвирланади. Зеро, мамлакатимиз тараққиётини таъминлаш,

жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини мустаҳкамлаш, Ватанимиз куч-қудратини ошириш йўлида амалга оширилаётган масъулиятли жараёнда хотин-қизларимизнинг ҳам муносиб ўрни бор.

Ўзбек тилшунослигида гендер тадқиқотлари бўйича ишларнинг камлигини ўзбек тилида жинс муаммоси бошқа тилларга нисбатан катта аҳамиятга эга эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Бироқ гендернинг тил ва адабиёт, матн ва дискурсда ҳали очилмаган жиҳатлари беҳисобдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йил 10-декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ №1875-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг “Магистратура тўғрисидаги низом” 2012 йил 29 октябрдаги 418-сонли буйруғи.

Илмий асарлар рўйхати:

3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 299 б.

4. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 181 б.

5. Кирилина А.В. Гендер: лингвистические аспекты. – М.: Институт социологии РАН, 1999. – 188 с.

6. Никольская В.А. Гендерные асимметрии и стереотипы в английской фразеологии: Автореф. дис. ... канд.филол.наук. – Нижний Новгород, 2005. – 177 с.

7. Семенова И.В. Гендерный аспект концептуального анализа лексем “мужчина” и “женщина” (на материале фразеологии английского, русского и кабардинского языков): Дис. ... канд.филол.наук. – М., 2006. – 180

8. Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Т.: Фан, 2007. – 123с.

9. Гендер кун тартибида. Гендер таълими бўйича қўлланма. Ўзбекистон хотин - қизлар Қўмитаси, «Гендер ва тараққиёт» Бюроси. – Тошкент, 2000. – 189б.

10. Ушакин С.А. Поле пола // Женщина. Гендер. Культура. – М., 1999. – С. 35-45 .
11. Parsons T. The Structure and Social Action. – New York: McGraw, 1951.
12. Русча – ўзбекча луғат: 2Т. Т II. Т., 1983. – 860 б.
13. Абдухалилова В. Аёллар сайидаси. –Тошкент: Мовароуннахр, 2006. – 476.
14. Merriam Webster's Dictionary of English Usage. – USA: Mass, 1994. 1335p.
15. Longman Lexicon of Contemporary English. Tom McArthur. Longman Group Ltd, 1981. – 929 p.
16. Кубрякова Е.С. Начальные этапы становления когнитивизма // Лингвистика – психология – когнитивная наука. – М., 1994. ВЯ №4. – С. 34-37.
17. Меркулов И.П. Когнитивная наука. Новая философская энциклопедия. – М., 2001. Т.2. – 264с.
18. Картушина Е.А. Сценарий как метод сопоставительной фразеологии / Под ред. А.А.Аминовой, С.Г.Васильева. Сопоставительная филология и полилингвизм – Казань: РИЦ «Школа, 2002. – С. 63-64.
19. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 90б.
20. Кубрякова Е.С. О когнитивной лингвистике и семантике термина «когнитивный». Вестник Воронеж. Гос. Унив., Серия: Лингвистика и межкультурная коммуникация. – Воронеж, 2001. – С. 4-10.
21. Юсупов Ў.Қ. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультурема атамалари хусусида // Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. Илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2011. – Б. 49-55.

22. Kurzon Dennis . Sexist and Nonsexist Language in Legal Texts: the state of the art // International Journal of the Sociology of Language. Volume 1989, Issue 80. – p.p. 99-114. (online: 30/07/2009)
23. Кирилина А.В. Гендерные исследования в отечественной лингвистике: проблемы, связанные с бурным развитием // Гендер: язык, культура, коммуникация. – М., 2002.
24. Pusch L. Das Deutsche als Männer Sprache. Edition Suhrkamp.SV. 1984, 201p.
25. Воронина О.А. Теоретико-методологические основы гендерных исследований // Теория и методология гендерных исследований. Курс лекций. . – М., 2001. – С. 105-116
26. Расулова М.И. Основы лексической категоризации в лингвистике. – Ташкент: Фан, 2005. – 268с.
27. Григорян А.А. Гендерная маркированность имен существительных в современном английском языке // Гендер: язык, культура, коммуникация. Москва: МГЛУ, 2002. – С. 89-90.
28. Longman Grammar of Spoken and Written English. Pearson Educated Limited, 2004. – 613p.
29. Дубичинский В.В. Лексикография русского языка: Учебное пособие. Флинта: Наука, 2009. – 432 с.
30. Колесникова М.С. Методологические проблемы лексикографического анализа в гендерных исследованиях // Гендерный калейдоскоп. Курс лекций. Под.общ.ред М.Малышевой. – М.: Academia, 2001. – 520 с.
31. Кунина Н.А., Скорнякова М.Ф. Коннотативность в семантической группе названий лица // Классы слов и их взаимодействие. – Свердловск, 1979. – С. 92-108.

32. Сафаров Ш.С., Кдырбаева Г.К. Концепт человек в картине мира // Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. – Тошкент, 2011. – С. 34-37.
33. Розина Р.И. Человек и личность в языке // Логический анализ языка: Культурные концепты. – М., 1991. – С.52-56.
34. Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Изд.2-е, испр.и доп. Академический проект. – М., 2001. – 990 с.
35. Менглиев Б. ”Одам” лексемаси ва сатҳлараро муносабатлар // Тилнинг аксиологик механизмлари ва матн эмоционаллиги. Маърузалар баёни тўплами. – Тошкент, 2001. – Б. 25-28.
36. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лугати II/ араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар. – Т.: Университет, 2003. – 335 б.
37. Маъруфов Т. Ўзбек тилининг изохли лугати. – Москва.: «Рус. язык», 1981, 520 б.
38. Hojiyev A, Nurmonov A. Hozirgi o'zbek tili faol so'zlarining izohli lugati. – Toshkent: Sharq, 2001.
39. Иминов А. Оқ кийинган аёл. – Тошкент: Ўзб. Миллий кутубхонаси, 2010. – 649 б.
40. Абдуллаев Х.Д. Халқ мақолларининг “Қутадғу билиг” поэтикасидаги ўрни ва бадий эстетик функциялари: Филол. фан. номзоди ...дис. Тошкент, 2005. – 152 б.
41. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тили этимологик лугати (туркий сўзлар). - Тошкент: Университет, 2000. – 402 б.
42. Мирзаев Т., Мусоқулов А. Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 508 б.
43. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент, 1991. – 274 б.
44. Эмирова А.М. Русская фразеология в коммуникативном аспекте. – Ташкент: Фан, 1988. – 90с.

45. Аникин В.П. Мудрость народов // Пословицы и поговорки народов востока. – М.: Наука, 1961. – 76 с.
46. Зыкова И.В. Специфика гендерной маркированности английских идиом // Гендер: язык, культура, коммуникация. – Москва: МГЛУ, 2001. – С. 150-159.
47. Колосова О.А. Когнитивные основания языковых категорий (на материале современного английского языка): Автореф. дисс. ... док-ра филол. наук. – Москва, 1996. – 26с.
48. Хакимова Г.Э. Зоономик компонентли фразеологик бирликларнинг структураларини ва семантик хусусиятлари (инглиз тили материали асосида): Филол. фанлари номзоди ... дис. – Тошкент, 2007. – 151б.
49. Калугина Е.Н. Концепты “мужчина” и “женщина” в субстандарте русского и английского языков: Дис. ... канд.филол.наук. – Ставрополь 2008. – 159 с.
50. Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии. – Ленинград: Ленинградский ун-в, 1961. – 207с.
51. Адам & Ева: Альманах гендерной истории: Сб. науч. тр. института всеобщей истории РАН. – М.: Алетейя, 2003. – 472 с.
52. Алмаматова Ш.Т. Ўзбек тили фраземаларининг компонент тахлили: Филол. фан. номзоди. ... дис. – Тошкент, 2008. – 117 б.
53. Атаханова Г.Ш. Номинации “возраст человека” в когнитивно-прагматическом и лингвокультурологическом аспектах (на материале англ. языка): Автореф. дис.... канд.филол.наук. – Т., 2006. – 20с.
54. Ашурова Д.У. Коммуникативно-когнитивная теория текста // Linguistics. - Тошкент, 2010. – С. 17-24.
55. Ашурова Д.У. Стилистика и гендерная лингвистика // Филология масалалари. – Тошкент, 2007. – № 3 (16). – С. 75-79.

56. Бушуй А.М. О методике организации фразеологической работы в системно-уровневом плане. // Межвузовский сборник научных трудов. Выпуск – 4. –Т.: 2000. – С. 87-93.

57. Гендер тадқиқоти асослари курси хрестоматияси // Илмий муҳаррир: Ў. Абилов; рус тилидан қискартирилган таржима: – Т., 2003. – 276 б.

58. Гвоздарев Ю.А. Описание фразеологии разных языков // Образование и функционирование фразеологических единиц. Ростов на Дону, 1981. – С. 116-120.

59. Гольдберг Э., Коста Л.Д. Нейроанатомическая асимметрия полушарий мозга и способы переработки информации // Нейропсихология сегодня. Под ред. Е.Д. Хомской. – М., 1995. – С. 8-14.

60. Жўраева Б.М. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланилиши: Филол. фан. номз. дис. автореф. – Самарқанд, 2002. –23 б.

61. Женщина в мифах и легендах // Энциклопедический словарь. Автор состав. Валянская О.П. и др. – Ташкент, 1992. – 302с.

62. Зыкова И.В. Способы конструирования гендера в английской фразеологии. – М.: Эдиториал УРС, 2003. – 232 с.

63. Кунин А.В. Английская фразеология. – М.: Высшая школа, 1970. 344с.

64. Реимов Б.Х. Фразеологические единицы английского языка характеризующие эмоциональное состояние человека: Автореф. дис канд.филол.наук. – Ташкент, 2005. – 22с.

65. Бердиёров Х, Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 232 б.

66. Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. Лит. ред. М.Д. Литвинова. – 4-е изд. – М.: Рус. яз.,1984. – 942с.

67. Русча – ўзбекча луғат: 2Т. Т I. Т., 1983. – 808 б.

68. Webster's New International Dictionary of the English Language. Cambridge: Mass USA, 1953. – 1678 p.
69. Oxford advanced learners dictionary of current English / A.S Hornby with A.P. Cowie A.C Gimson: Oxford University press, 1474. – 974 p.
70. Siedl J., McMordie W. English Idioms and How to Use them. – M., 1983. – 265p.
71. Oxford Concise Dictionary of Proverbs. Oxford University Press, 2003. – 364p.

Интернет саҳифалари

<http://www.genderstudies.info/lingvo/lingvo1.php> //

<http://itre.cis.upenn.edu/~myl/language/og/archives/003420.html>

<http://esciencenews.com/sources/science.daily/2010/10/04/how.gender.created.during.everyday.life.preschool>

<http://www.englishlistika.info/podatki/razno/Gender>

<http://www.wikipedia.org>

<http://www.allbooks.com>

Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети
FA220102 - “Лингвистика” (инглиз тили) мутахассислиги магистранти
Атабаева Нилуфарнинг “Фразеологик бирикма ва мақолларда гендер
талқини (инглиз ва ўзбек тилларидаги
материаллар асосида” мавзусидаги диссертациясига
илмий раҳбар Ў.Қ.Юсуповнинг

ТАҚРИЗИ

Маълумки, чоғиштира тилшунослик чет тили ўқитишнинг
инводидактик асосини ташкил этади. Шу сабабдан юртимизда хорижий
тилларни она тили билан қиёслаб ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш
тилшунослик учун муҳим масалалардан биридир.

Ҳозирги замон тилшунослигида, шу жумладан чоғиштира
тилшуносликда, гендерни (жинс ва у билан боғлиқ бўлган масалаларни)
ўрганиш энг асосий вазифалардан бири бўлиб қолди.

Гендернинг муҳим хусусиятларидан бири шуки, у фанлараро
хarakterга эга бўлиб, илм-фаннинг ҳар бир соҳасида тадқиқ этилмоқда.
Натижада гендерология фани пайдо бўлди.

Магистрант Н.Атабаеванинг тадқиқот мавзусининг долзарблигини шу
билан изоҳлаш мумкинки, унда аёл ва эркак концептлари тил воситаларини
таҳлил қилишда инглиз ва ўзбек тилларининг фразеологик ва паремиологик
системасида илк бор гендер тадқиқотлари нуқтаи назаридан ўрганилмоқда.
Мавзунинг долзарблиги яна шундаки, бир томондан хорижий тилларга
тадқиқотнинг ўсиши бўлса, иккинчи томондан тилнинг фразеологик ва
паремиологик системасида (мақолларда) аёл ва эркак тушунчаларининг
гендер, прагматик, когнитив хусусиятлари етарлича тадқиқ этилмаганлиги ва
таҳлил қилинмаганлигидадир.

Мазкур илмий ишда контекстуал тавсифлаш, қиёсий-типологик ва
статистик таҳлил методлари қўлланилди. Шу билан бирга концептуал таҳлил
методи, яъни фразеологик, изоҳли ва этимологик луғатларнинг

Тадқиқот давомида олинган натижалар ва хулосалар олий таълим муассасаларида хорижий тилларни ўрганувчи бакалаврият ва магистратура босқичидаги талаба ва магистрантларни ўқитишда, шунингдек, келгусида шу ҳада ўқув, услубий қўлланмаларни яратишга хизмат қилади.

Шу маънода диссертант ўз олдида қўйган мақсадга тўла эришган. Бироқ, тадқиқот баъзи жузъий камчиликлардан ҳоли эмас. Лекин булар диссертациянинг илмий қимматига асло соя солмайди.

Мен, Атабаева Нилуфарнинг 5A220102 - “Лингвистика” (инглиз тили) мутахассислиги магистри даражасини олиш учун тақдим этган “Фразеологик бирликма ва мақолларда гендер талқини (инглиз ва ўзбек тилларидаги материаллар асосида” мавзусидаги диссертациясини ҳимояга тавсия қиламан.

Professor, f.f.d. O'.Q.Yusupov

**O'zMU Xorijiy filologiya
fakulteti “Leksika va
grammatika” kafedresi**

Yusupov

15.06.12



Урганч Давлат Университети 5A220102-Лингвистика(инглиз тили)
мутахассислиги магистранти Атабаева Нилуфарнинг «Фразеологик
бирликма ва мақолларда гендер талқини(инглиз ва ўзбек тилларидаги
материаллар асосида)»мавзусидаги магистрлик диссертацияси ишига
оппонент доц. Д.Я.Мамырбаеванинг

ТАҚРИЗИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач,жаҳон ҳамжамиятида
ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Биз учун мустақиллик – ўз
эркинлигимизни англашгина эмас,балки аввало ўз ҳаётимизни ўз иродамиз
билан ва миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда ташкил этиш, ўз
келажагимизни ўз қўлимиз билан куриш ҳуқуқидир.

Халқимизнинг фаровон турмуши ,барқарор келажаги ҳар бир фуқоро
онги ва тафаккурида юксак даражада илм сарчашмаларининг
ривожлантирилиши, маънавий онгнинг шаклланиши билан
боғлиқдир.Бунинг учун Президентимиз И.А.Каримов айтганидек «Замонавий
педагогик ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда
ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан , ўсиб келаётган ёш
авлодни чет тилларга ўқитиш ,шу тилларда эркин сўзлаша олдиган
мутахассисларни тайёрлаш тизиминини тубдан такомиллаштириш ҳамда
бунинг негизида, уларни жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот
ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорликни
ривожлантиришлари учун шарт-шароитлар ва имкоиниятлар яратиш
лозимдир».

Юртимизда И.А.Каримов раҳбарлигида демократия асосларини
жадаллаштиришга,халқ фаровонлигини муттасил оширишга,шунингдек
таълим тизимини ислоҳ қилишга доимий эътибор қаратилмокда.

Ҳозирги кунда тилшуносликда қиёсий-типологик тадқиқотлар олиб
борилиши натижасида,тил бирликларига,хусусан,фразеологик бирлик ва
мақолларга гендер нуқтаи назаридан қиёсий ёндашув долзарб масалалардан
ҳисобланади.

Фразеологик бирлик ва мақоллар, уларнинг нутқимизда қўлланилиши
катта аҳамият касб этади. Инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирлик
ва мақолларнинг таржима жараёнидаги ўхшашлик ва фарқли томонларини

зига хос хусусиятларини ифодалаб, уларнинг инглиз тили материаллари билан умумий ва фаркли томонларини қиёсий жиҳатдан таҳлил қилган ва «Ўзбек халқ мақоллари» луғатига киритилган мақол ва маталларда «эркак» ва «аёл» тушунчаларининг қўлланилиши хусусида статистик маълумотлар келтирган, ундан ташқари мақолларни семантик жиҳатдан таҳлил қилиб, уларда эркак ва аёл компонентларига қаратилган ижобий ва салбий хусусиятларни ифодаланишини кўрсатиб ўтган.

Мазкур бобда магистрант инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизмлари ва тарбияларини семантик жиҳатдан ажратилган концептуал қатламларда яъни эркак ва аёлларнинг ижтимоий хусусиятларини (ижтимоий мақоми, ижтимоий раолиятини) ифодаловчи, психологик хусусиятларини (фёъл-атвори, хулқини) ифодаловчи, физиологик хусусиятларини (ташқи кўринишини) ифодаловчи концептуал қатламларда таҳлил қилган.

Тадқиқотнинг хулоса қисмида эса, юқоридаги фикрлар умумлаштирилган бўлиб, ишида ўз олдига қўйган вазифаларни тўлалигича бажаришга муваффақ бўлган:

- Тилшуносликда «жинс» муаммосини ўрганишдаги асосий йўналишларни шарҳлаш;
- «Гендер» терминининг қўлланилиш хусусиятларини аниқлаш;
- Феминистик тилшунослик назариясининг асосий предметларидан бўлмиш **одам** ва **эркак** (**хотин** ва **эр**, **ўғил** ва **қиз**) **human being** ва **man** тушунчаларининг гендер таҳлилини бериш;
- Инглиз тилида, жумладан, фразеологик бирликларда маскулин роднинг «умумийлашган» хусусиятини ўрганиш;
- Гендернинг миллий- маданий олам тасвирини ифодалашдаги хусусиятини аниқлаш;
- Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологик бирликлари ва мақолларида аёл ва эркак концептларининг ижтимоий, физиологик ва психологик

характерини тасвирловчи концептуал қатламларни қиёсий тадқиқ этиш ҳамда уларнинг ўхшаш ва фарқ қилувчи томонларини очиб бериш.

Ушбу диссертация ишидан умумий тилшунослик,социоллингвистика, психоллингвистика,лексикология,когнитив тилшунослик ва қиёсий типология рафторларида қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Мен, Атабаева Нилуфарнинг 5A220102 - “Лингвистика” (инглиз тили) мутахассислиги магистри даражасини олиш учун тақдим этган “Фразеологик бирлик ва мақолларда гендер талқини (инглиз ва ўзбек тилларидаги матнлар асосида” мавзусидаги диссертациясини ҳимояга тавсия қиламан.

Нукус давлат

университети доценти



[Handwritten signature]

Д.Я.Мамырбаева.

